

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

\_\_\_\_\_ Н.А.Муслимов

“ \_\_\_\_\_ ” 2015 йил

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИНинг ТАРАҚҚИЁТ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАРИ**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**

**Тошкент -2015**

## **МУНДАРИЖА**

МУНДАРИЖА .....	2
ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ .....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....	10
1-МАВЗУ. БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	10
2-МАВЗУ. БОШЛАНГИЧТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ БИРЛИГИ, ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯСИ, ЯГОНА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН.....	18
3-МАВЗУ. XXI АСР БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГИ ОБРАЗИ .....	22
4-МАВЗУ. КОНКРЕТ ВАЗИЯТНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, ЗАРУР БЎЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАНЛАШ, ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁННИ ЛОЙИХАЛАШ .....	41
5-МАВЗУ. ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК МОҲИЯТИ .....	47
6-МАВЗУ. БОШЛАНГИЧТАЪЛИМДА ЎҚИТИШГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ЁНДАШУВНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	58
7-МАВЗУ. БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМГА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ .....	69
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ .....	77

## ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорларқабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

“Бошланғич таълим фанларини ўқитишида замонавий ёндашувлар” курсининг **мақсади**— педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

**Курснинг вазифалари**га кўйидагилар киради:

“Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Бошланғич таълим фанларини ўқитишида замонавий ёндашувлар” курси бўйича тингловчилар кўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- бошланғич таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, бирлиги, дифференциацияси, ягона педагогик жараён эканлигини;
- XXI аср бошланғич таълим тизими педагоги образини;
- мутахассислик фан ўқитувчисининг ўқув-меъёрий ҳужжатларини;
- мутахассислик фанларини ўқитиш мазмунини белгилаб берувчи норматив-меъёрий ҳужжатларни;
- ўқув фаолиятини ташкил этишда замонавий педагогик технологияларнинг психологик моҳиятини;
- бошланғич таълим фанларининг ютуқлари ва инновацияларини **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

- бошланғич таълим фанларидағи инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- бошланғич таълим фанлари дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласынан интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- бошланғич таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил эта олиш, курс иши, бити्रув малакавий иши, магистрлик диссертациянинг узвийлигини таъминлаш;
- бошланғич таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнида талабаларда мустақил равища билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш **куйникмаларига эга бўлиши лозим.**

### **Тингловчи:**

- бошланғич таълим ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойихалаштириш;
- модератор ўқитувчиларнинг илгор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;
- бошланғич таълим фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;
- бошланғич таълим педагогикаси туркум фанлари бўйича ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топшириқларини тузиш;
- бошлағич таълим фанларини ўқитиш жараёнида талабаларда мустақил равища билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш каби **малакаларига эга бўлиши лозим.**

**Тингловчи:**

бошланғич таълим фанларининг тараққиёт тамойиллари ва етакчи концепциясини педагогик фаолиятда қўллай олиш;

- мутахассислик фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, талабалар ўкув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;

- бошланғич таълим фанлари дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласидиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;

- ривожланган мамлакатларда педагогика ва психология ҳам мутахассислик фанларни ўқитиш методикасидаги илгор тажрибаларни таълимтарбия жараёнига модернизация қилган ҳолда қўллаш;

- мутахассислик фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни тайёрлаш;

- битирув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик таъминотини такомиллаштириш;

- талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда

- педагогик фаолиятда қўллай олиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

**Курс ҳажми**

T/p	Мавзу	Назарий	Амалий	Мустакил таълим
1	Бошланғич таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари	2		
2	Бошланғич таълим ва тарбиянинг бирлиги, дифференциацияси, ягона педагогик жараён	2	2	
3.	XXI аср бошланғич таълим тизими педагоги образи.	2	2	
4.	КонкRET вазиятни ҳисобга олиб, зарур бўлган технологияларни танлаш, технологик жараённи лойиҳалаш.	2	2	2
5.	Ўкув фаолиятини ташкил этишда замонавий педагогик технологияларнинг психологик моҳияти.	2	2	
6	Бошланғич таълимда ўқитишга интеграциялашган ёндашувнинг методологик асослари.	2	2	2
7.	Бошланғич таълимга инновацион технологияларни жорий этилиши.	2	2	
	<b>Жами</b>	<b>14</b>	<b>12</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу. Бошланғич таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, бирлиги, дифференциацияси, ягона педагогик жараён.**

Бошланғич таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари. Бошланғич таълим ўқитувчиси эга бўлиши зарур бўлган сифатлар. Гиперфаол болалар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Узлуксиз таълим тизимида давлат таълим стандартлари. Узлуксиз таълим тизими босқичларида қўлланиладиган ўқув дастурларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.

**2- мавзу. Бошланғич таълим ва тарбиянинг бирлиги, дифференциацияси, ягона педагогик жараён.**

Бошланғич таълим ва тарбиянинг бирлиги ва дифференциацияси. Ягона педагогик жараён. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

**3-мавзу. XXI аср бошланғич таълим тизими педагоги образи.**

Бошланғич таълим ва тарбиянинг бирлиги ва дифференциацияси. Ягона педагогик жараён. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

**4- мавзу. Конкрет вазиятни ҳисобга олиб, зарур бўлган технологияларни танлаш, технологик жараённи лойихалаш.**

Педагогик одоб ва унга қўйиладиган талаблар. Педагогик қобилият. Педагогик мулоқот маданияти. Педагогик релаксация. Педагогик назокат (такт). Педагогик техника ва унинг таркибий элементлари. Нутқ техникаси (нутқнинг техник жиҳатдан ташкил этилиши, нутқ одоби, овоздан фойдаланиш техникаси).

**5- мавзу. Ўқув фаолиятини ташкил этишда замонавий педагогик технологияларнинг психологик моҳияти.**

Педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари. Таълим технологиясининг модели ва харитаси. Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг турлари.

## **6-мавзу. Бошланғич таълимда ўқитишига интеграциялашган ёндашувнинг методологик асослари**

Ўзбекистон Республикасида педагогик кадрлар тайёрлашнинг йўлга кўйилиш тарихи. Педагогика коллежлари фаолияти. Педагогика институтлари ва университетлари.

## **7-мавзу. Бошланғич таълимга инновацион технологияларни жорий этилиши**

“Таълимга инновация ёндошув” тушунчасининг мазмuni. Педагогнинг инновацион фаолияти.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмuni**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидағи инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

### **Адабиётлар ва манбалар рўйхати**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

#### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008.– 208 б.
2. Абдуқодиров А ва б. Таълимда инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Истеъдод” жамғармаси – Т.: “Иқтисод – молия”, 2008. – 181 бет.
3. Бикбаева Н.У ва бошқалар. ”Бошлангич синфларда математика ўқитиши методикаси” – Т.: “Ўқитувчи”, 2007. – 208 б.
4. Жумаев М.Е., Таджиева З. „Бошлангич синфларда математика ўқитиши методикаси“ Т.: Фан ва технология, 2005, 312 б.
5. Йўлдошев Ж., Усманов С., Педагогик технология асослари. Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
6. Қосимова К., Матчонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиши методикаси. – Т.: Ношир, 2009. – 163 б.
7. Мавлонова Р.А, Санакулов Х.Р, Ходиева Д.П. Мехнат ва уни ўқитиши методикаси. – Т.: ТДПУ, Ўқув қўлланма. 2007.
8. Нуритдинова М. “Табиатшунослик ўқитиши методикаси” – Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
9. Раҳматуллаева Л.И. Методика преподавания родного языка. Учебное пособие. – Т.: “Молия Иктинос”, 2007.
10. Таджиева З.Ғ., Абдуллаева Б.С., Жумаев М.Е., Сидельникова Р.И., Садикова А.В. Методика преподавания математики. – Т.: “Турон-Иқбол”, 2011. – 336 с.
11. Толипов Ў. ”Педагогик технология” – Т.: “Фан”, 2005. – 205 б.
12. Холиқов А.А. ”Педагогик маҳорат” – Т.: “Иқтисод – молия”, 2011. – 418 б.
13. Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Маматова Г., Боқиева Ҳ. Ҳусниҳат ва уни ўқитиши методикаси. – Т.: ТДПУ, 2009. – 70 б.

### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
5. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz).
6. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
7. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
8. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>

## **МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

### **1-МАВЗУ. БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Режа:**

1. Бошлангич таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Бошлангич таълим ўқитувчиси эга бўлиши зарур бўиган сифатлар.
3. Гиперфаол болалар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Таянч тушунчалар:** Бошлангич таълим, касбий малака, педагогик кадрлар малакасига қўйиладиган талаблар, таълим жараёни, таълим қонуниятлари, таълим парадигмалари.

**Бошлангич таълим педагогикаси** – бошлангич синф ўқувчиларининг ёш, психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ўрганади.

Бошлангич таълим 6-7 ва 10-11 ёшли болаларда умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантириш мақсадини амалга оширишга йўналтирилган.

Ўқувчиларга мураккаб бўлмаган илмий билимларни бериш асосида уларда ўқиши, ёзиши ва хисоблашга оид дастлабки билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш асосида уларда шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи элементларини ҳосил қилиш босқичидир.

**Узлуксиз таълим тизимида давлат таълим стандартлари (ДТС – инглизча стандарт – меъёр, намуна) – узлуксиз таълим босқичларининг асосий таълим дастурлари мазмунининг зарурий минимумини, ўқувчиларга юкландиган ўқув юкланмаларнинг максимал ҳажмини, таълим муассасаси битирувчиларининг тайёргарлик даражасини, таълим жараёнини таъминлаш (унинг моддий-техник, ўқув-лаборатория, ахборот-методик, кадрлар таъминоти)нинг асосий талабларини аниқлаб берадиган меъёр ва талаблар.**

5-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳукуқи

- Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.
- Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.
- Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Бошланғич синф ўқувчилари ижтимоий борлиқ ҳақида муайян тасавурларга эга бўлсалар ҳам рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини билишга қизиқади. Мактабда ташкил этилаётган таълим жараёни боланинг ақлий фаолияти учун зарур бўлган фазилатларнинг таркиб топишини таъминлайди. Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний жиҳатдан бир маромда ўсадилар, ўғил ва қиз болалар гавда тузилиши жиҳатидан бир-бирларидан деярли фарқ қилмайдилар. Уларнинг бўйи ўртacha 120 см, оғирлиги 22 кг атрофида бўлади. Суякларда тоғайлик ҳолати устун. Найсимон илик суяклари асосан энига ўсади, тузилиши такомиллашиб боради ва 12 ёшда бу суяклар катталарнидай қиёфага эга бўлади. Лекин бўғинлар, умуртқа поғонаси, тос суяклари ҳали эластик ҳолатда бўлади. Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний жиҳатдан бир маромда ўсадилар, ўғил ва қиз болалар гавда тузилиши жиҳатидан бир-бирларидан деярли фарқ қилмайдилар. Уларнинг бўйи ўртacha 120 см, оғирлиги 22 кг атрофида бўлади. Суякларда тоғайлик ҳолати устун. Найсимон илик суяклари асосан энига ўсади, тузилиши такомиллашиб боради ва 12 ёшда бу суяклар катталарнидай қиёфага

Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний жиҳатдан бир маромда ўсадилар, ўғил ва қиз болалар гавда тузилиши жиҳатидан бир-бирларидан деярли фарқ қилмайдилар. Уларнинг бўйи ўртacha 120 см, оғирлиги 22 кг атрофида бўлади. Суякларда тоғайлик ҳолати устун. Найсимон илик суяклари асосан энига ўсади, тузилиши такомиллашиб боради ва 12 ёшда бу суяклар катталарнидай қиёфага

эга бўлади. Лекин бўғинлар, умуртқа поғонаси, тос суяклари ҳали эластик ҳолатда бўлади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг юраги, қон айланиш тизими ва нафас олиш органлари ўсишда давом этади. Уларнинг юраги ўзидан катталарнига нисбатан икки марта кўп қон ишлаб чиқаради. Шу боис, уларнинг юрак уриши тез бўлиб, ҳар дақиқада 90-92 мартаға етади. Коннинг таркибида оқ қон танаачалари кўп бўлади.

Жисмоний ўсишнинг бу каби хусусиятлари бошланғич синф ўқувчиларга нисбатан ўқитувчилар томонидан эҳтиёткорона ёндошувни талаб қиласди. Уларни асабийлашишдан сақлаш лозим. Бу ёшдаги ўқувчилар қўпроқ ҳаракат қилишлари, очиқ ҳавода бўлишлари, етарли даражада дам олишлари, ухлашлари талаб этилади. Атрофдагилар бунинг учун ғамхўрлик қилишлари лозим. Уларнинг стол атрофида, партада тўғри ўтиришларига, ўринда текис (ўрин юмшоқ бўлмагани маъқул) ётишларига, қоматини тик тутиб юришларига эътиборли бўлишлари керак. Ўйин вақтида қалтис ҳаракат қилишдан уларни сақлаш зарур. Бошланғич синф ўқувчиларида ихтиёрий дикқат, хотира ва идрок, тафаккур, ихтиёрий идрок қилиш, нутқ, ҳис-туйғу, ирода каби руҳий жараёнлар, ривожланади. Шу боис, улар билим олишга ва ўрганишга интилевчан бўладилар. Атрофда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларнинг барчаси уларни қизиқтиради. Ўқитувчи уларнинг қизиқишларини қондиришга ҳаракат қилишлари ва шу асосда ушбу қизиқишларни ривожлантириб боришлари керак.

Бошланғич синф ўқувчилари учун энг идеал шахс – ўқитувчи бўлиб, болалар уларнинг талабларини сидқидилдан бажаришга уринадилар. Улар орасида ўқитувчининг обрўси ўз ота-онаси обрўсидан хам баланд бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг фикрлаши образли бўлади. Шу боис уларга киноя, кесатиш ҳамда қочириқли гапларни гапириш самара бермайди. Ўқитиш кўргазмали қуроллар, воситалар ёрдамида ташкил этилиши керак. Материални тушунтиришда унинг образли, ифодали бўлишига эришиши лозим. Уларнинг кайфиятига ўқищдаги ютуқлари, олган баҳолари шунингдек, амалга оширган ижобий ишлари таъсир қиласди. Шу боис, ўқитувчи томонидан унга

берилаётган эътибор алоҳида қийматга эга. Унинг ҳар бир ҳаракати ўқитувчининг эътиrozига сабабчи бўлса, унда ўқиш истаги йўқолади. Мактаб таълимидан кўнгли совиди. Ўқитувчидан қўрққанидан ёлғон гапира бошлайди. Бу ҳол доимий такрорланаверса, қўрқоқлик ва ёлғончилик унинг асосий хислати бўлиб қолади. Ўқитувчи танбеҳи оқилона бўлиб, бола шаънини ерга урмаслиги, шахсини камситмаслиги керак.

## ПЕДАГОГ ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН СИФАТЛАР

ИНСОНИЙ СИФАТЛАР	КАСБИЙ СИФАТЛАР
Инсонийлик	болаларни сэвиш
Бағрикенглик	мехнатсеварлик
Сабрлилик	мехнатга лаёқатли бўлиш
Поклик	Интизомлилик
Ростгўйлик	ўз олдига мақсад қоя олиш
Масъулиятлилик	Талабчанлик
Сахийлик	Одиллик
инсонларни хурматлаш	Маҳорат
маънавий бойлик	педагогик такт
келажакка ишонч	педагогика назариясини билиш
ички мувозанат	болалар психологиясини билиш
тарбияланувчига нисбатан бефарқ бўлмаслик	методикани яхши билиш
Яхшилик	илғор технологияларни яхши билиш
Дўстоналиқ	юмор хиссига эга бўлиш

**1-жадвал. Узлуксиз таълим тизими босқичларида қўлланиладиган ўқув дастурларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари**

Ўхшаш жиҳатлари	Фарқли жиҳатлари
<p>1. Ягона тамойиллар асосида яратилади.</p> <p>2. Ўқув фанлари юзасидан бериладиган таълим мазнуни, ўқув йили давомида бериладиган билим, кўникма, малакалар тизими ва ҳажми аниқланади.</p> <p>3. Ўқув фанига оид материалларнинг ўргатилиш тартибини белгилайди.</p> <p>4. Ўқув дастурлари таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилиб, тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланади.</p> <p>5. Ўқув дастурлари икки усул – концентрик ва мунтазамлик асосида яратилади.</p> <p>6. Муайян фанга доир дастурда ўқув материали ўқув йиллари ва синф (академик груп)да ўрганиладиган мавзулар бўйича тақсимланади.</p> <p>7. Ўқув дастурлари ягона таркибий тузилмага эга бўлади.</p> <p>8. Ўқув дастурлари асосида дарслерлар яратилади.</p> <p>9. Узлуксиз таълим тизимининг тегишли босқичи учун мўлжалланган ва тегишли вазирлик томонидан тасдиқланган ўқув дастурлар талабларини инобатга олиш мажбурий характерга эга</p>	<p>1. Турли таълим обьектига йўналтирилади.</p> <p>2. Таълим обьектини инобатга олган ҳолда тарбияланувчи, ўқувчи ёки бўлажак мутахассис шахсига қўйиладиган талабларни ўзида акс эттиради.</p> <p>3. Таълим мазмунига таянган ҳолда билим, кўникма, малакалар тизими бир-биридан фарқланади.</p> <p>4. Таълим йўналтирилган обьект нуқтаи назаридан таълим мазмуни турли мураккабликда бўлади.</p> <p>5. Таълим мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўқитиш мақсади ва вазифалари хусусий характер касб этади.</p> <p>6. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун мўлжалланган дастурларда умумий фанлар билан бирга ихтисослик фанларининг дастурлари ҳам қўлланилади.</p>

**2-жадвал. Умумий ўрта таълим мактабларининг  
бошланғич синфларининг ўқув режаси**

№	Таълим соҳалари	Ўқув фанлари	С И Н Ф Л А Р				Ҳафталик умумий соатлар	Жами соатлар	
			I	II	III	IV			
			Давлат ихтиёридаги соатлар						
1.	Филология	Ўзбек тили	-	2	2	2	6	204	
2.		Она тили ва ўқиши	8	8	10	10	36	1216	
3.	Математика	Математика	5	5	5	5	20	675	
4.	Табиат	Табиёт	1	1	1	1	4	135	
5.	Инсон ва жамият	Одабнома	1	1	1	1	4	135	
6.		Мусиқа маданияти	1	1	1	1	4	135	
7.		Тасвирий санъат	1	1	1	1	4	135	
8.		Мехнат	1	1	1	1	4	135	
9.		Жисмоний тарбия	1	1	1	1	4	135	
Ҳафталик умумий соатлар сони (давлат ихтиёридаги соатлар)			20	22	24	24	90	3060	
Мактаб ихтиёридаги соатлар			2	2	2	2	8	272	
Ҳафталик энг кўп дарс соатлари			22	24	26	26	98	3332	

“Фаол”(актив) сўзи лотин тилида фаолият, ҳаракат маъносини, “гипер” сўзи грек тилида меъёрдан ортиқлик маъносини англаради.

Гиперфаоллик деганда, қўзғалиш тормозланишдан кучлироқ бўлган, ўта даражадаги жисмоний ва ақлий фаоллик тушунилади. Врачлар таҳминича, гиперфаоллик миянинг тестлар ёрдамида аниқлаш мумкин бўлмаган, сезиларсиз даражадаги шикастланишидир.

Психологлар гиперфаол болаларнинг қўйидагича таснифлайдилар:

- бармоқлари ва товонларини бетиним қимирилатиш;
- бир жойда тинч ўтира олмаслик, тинимсиз қимирилаш;
- ташқи таъсирларга нисбатан тез-тез чалғиши;

- жамоада турли вазиятлар (машғулотлар давомида, экскурсиялар ва байрамлар) ва ўйинларда ўз навбатини кутишга сабри чидамаслик;
- саволларга одатда ўйламасдан ва охиригача эшиитмасдан жавоб бериш;
- берилган топшириқни қийинчилик билан бажариш (бу ҳолат салбий хулқ ёки етарлича тушунмаслик билан боғлиқ эмас);
- топшириқларни бажариш ва ўйин жараёнида дикқатини қайнинчилик билан жамлаш;
- одатда бир ишни тугатмасдан иккинчисига ўтиш;
- тинч ва хотиржам ўйнай олмаслик;
- кўп гапириш, бошқаларга халақит бериш, атрофдагиларга қитмирлик қилиш (масалан, бошқа болалар ўйинларига ҳалақит бериш);
- одатда бундай болалар унга қаратилган гапларни эшиитмаётгандек таассурот уйғотади;
- тез-тез мактабгача таълим муассасасида, мактабда, уй ва кўчада ўзи учун зарур нарсаларини йўқотиб қўйиш;
- баъзан оқибатини ўйламасдан, саргузашт қўзламаган ҳолда хатарли ҳаракатларни ҳам содир этиши мумкин (масалан, атрофга қарамасдан катта кўчага югуриб чиқиб кетиши мумкин).

### **Назорат учун саволлар:**

1. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Президент И.А.Каримовнинг «Баркамолавлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқида қандай ғоялар илгари сурилган?
3. «Педагогика» сўзининг келиб чиқиши ва маъноси.
4. Педагогика фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Унинг жамият ривожидаги ўрнини қандай тушунасиз?

5. Педагогиканинг асосий тушунча (категория)ларига нималар киради?
6. Педагогика қайси фаниар билан алоқада ривожланиб, бойиб боради?
7. «Педагогика фанлари тизими» деганда нимани тушунасиз?

## **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Маърифат - Мададкор”, 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш /Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар Ж.Фозилов, Р.Султонов., Ҳ.Саидов. – Тошкент: “Маърифат-Мададкор” 2000.
3. Педагогик маҳорат. Мавлонова Р., Абдураҳимова Д. Т.: Фан ва технологиялар. 2012-йил
4. Педагогика /Бакалавриат йўналиши учун дарслик. Проф. М.Х.Тоҳтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010.
5. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.
6. ПЕДАГОГИКА (нopedагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик). У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Д.И.Рўзиева, М.Ҳ.Усмонбоева– Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2013.
7. ПЕДАГОГИКА: 1000 та саволга 1000 та жавоб. Методик қўлланма -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012
8. Тарбиявий ишлар методикаси. Р. Мавлонова, Н.Рахмонқулова, Б.Нормуродова, К.Матназарова -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2014
9. Бошланғич таълим педагогикаси, инновсияси ва интергацияси. Ўкув қўлланма Р.А.Мавланова, Н.Х.Рахманқулова Т.Ғ.Ғулом, 2013 й

## **2-МАВЗУ. БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ БИРЛИГИ, ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯСИ, ЯГОНА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН**

**Режа:**

1. Бошлангич таълим ва тарбиянинг бирлиги ва дифференциацияси.
2. Ягона педагогик жараён.
3. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

**Таянч тушунчалар:** Таълимни дифференциялаш, педагогик кадрлар малакасига қўйиладиган талаблар, таълим жараёни, таълим қонуниятлари, таълим парадигмалари.

### **Бошлангич таълим ва тарбиянинг бирлиги.**

Таълим қонуниятлари қуйидагилардан иборат:

- 1) таълим омиллари, шарт-шароитлари ва натижалари ўртасида ўзаро алоқадорликнинг мавжудлиги;
- 2) таълим жараёнининг ижтимоий омиллар ва жамият эҳтиёжлари билан боғлиқлиги;
- 3) таълим, ривожланиш ва тарбиянинг ўзаро бирлиги;
- 4) ҳар қандай таълим жараёнида ўқитувчи, ўқувчи ва ўрганилаётган обьектлар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг талаб этилиши;
- 5) таълим жараёни самарадорлигининг ўқувчилар ўқув фаоллиги асосида таъминланиши;
- 6) малакаларнинг муайян операция, ҳаракатларнинг мунтазам такрорланиши натижасида ҳосил бўлиши;
- 7) ўзлаштириш пухталигининг такрорлаш изчиллигига боғлиқлиги;
- 8) ўқувчилар ўзлаштирган мураккаб фаолият усуллари ўқитувчининг уларда энг оддий фаолият усулларини самарали ўргата олишининг натижаси эканлиги.

Таълим қонуниятлари – таълим жараёнида рўй берадиган ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғланишлар, уларнинг моҳиятини ифодаловчи шарт-шароит, асос.

Дифференция (лотинча *differentia* - фарқ, тафовут) – ҳар хил шароитда турлича юз берадиган, бир хилда турмайдиган, фарқли, тафовутли.

Дифференция (лотинча *differentia* – айирма, фарқ, фарқланиш) – бир бутун нарсанинг турли қисмларга, шаклларга, босқичларга ажралиши, бўлиниши табақаланиши. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати . 630- бет)

Таълимни табақалаштириш мажбурий ўқув курслари билан бирга таълимнинг юқори босқичларида чукурлаштирилган ва ихтисослаштирилган ўқитишни ташкил этиш, фанлар бўйича машғулотларни танлаш асосида олиб бориш, академик груп (ёки синф)да, груп (ёки синф)лар ўртасида, шунингдек, турли ёшдаги ўқув групчалирида факултатив курсларни, индивидуал ва групчалирида машғулотларни, шунингдек, ўқувчиларнинг қизиқишлирига кўра тўгаракларни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришни кўзда тутади.

**Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий иўналишлари (“КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛИЙ ДАСТУРИ”нинг 4-бўлимида белгилаб берилган )**

- 4.1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш
- 4.2. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
- 4.3. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш
- 4.4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар
- 4.5. Иқтидорли болалар ва истеъододли ёшлар
- 4.6. Таълим тизимини бошқариш
- 4.7. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш
- 4.8. Таълим тизимини молиялаш
- 4.9. Моддий-техника таъминоти
- 4.10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш
- 4.11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш
- 4.12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-куватлаш

4.13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш

4.14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш

4.15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

**Табақалаштирилган таълим.** Узлуксиз таълим тизимида мазкур таълимдан фойдаланиш ўқувчи, талабаларнинг шахсий лаёқатлари, қизиқишлари ва қобилияtlарини аниқлаш асосида уларга турли ўзлаштириш даражалари бўйича, бироқ, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури талабларидан кам бўлмаган ҳажмдаги материалларни беришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни (7-модда)да жамиятда **таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашувнинг** қарор топтирилишига алоҳида ургу берилади. Унга кўра Давлат таълим стандартлари (ДТС) миллий таълимнинг “ядроси” бўлиб, унда умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар ва олий таълим мазмуни, сифатига қўйиладиган талаблар белгилаб берилади. Давлат таълим стандартларида кўрсатилган талабларни бажариш узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётган таълим муассасалари учун бирдек мажбурийдир. Бироқ, айни ўринда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, таълим муассасалари ДТС асосида ўқув дастурларининг ўзига хос вариантларини ишлаб чиқиб, ундан фойдаланишлари мумкин.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Шахс ва индивид бир-биридан нималар билан фарқ қиласди?
2. Ривожланиш деганда нимани тушунасиз?
3. Шахс ривожланишида биологик омилнинг ўрнини қандай тушунасиз?
4. Шахс шаклланишида ижтимоий муҳитнинг аҳамиятини кўрсатувчи мисоллар келтира оласизми?
5. Шахс ривожланишида таъиим ва табия қандай ўрин тутади?
6. Шахснинг ривожланиши унинг фаоллиги билан боғлиқми?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Маърифат - Мададкор”, 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш /Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар Ж.Фозилов, Р.Султонов., Ҳ.Саидов. – Тошкент: “Маърифат-Мададкор” 2000.
3. Педагогик маҳорат. Мавлонова Р., Абдураҳимова Д. Т.: Фан ва технологиялар. 2012-йил
4. Педагогика /Бакалавриат йўналиши учун дарслик. Проф. М.Х.Тоҳтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010.
5. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.
6. ПЕДАГОГИКА (нopedагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик). У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Д.И.Рўзиева, М.Ҳ.Усмонбоева– Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2013.
7. ПЕДАГОГИКА: 1000 та саволга 1000 та жавоб. Методик қўлланма -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012
8. Тарбиявий ишлар методикаси. Р. Мавлонова, Н.Рахмонкулова, Б.Нормуродова, К.Матназарова -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2014
9. Бошланғич таълим педагогикаси, инновсияси ва интергацияси. Ўқув қўлланма Р.А.Мавланова, Н.Ҳ.Рахманкулова Т.Ғ.Ғулом, 2013 й
10. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши (Методик қўлланма) - Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012

## **З-МАВЗУ. XXI АСР БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГИ ОБРАЗИ**

### **Режа:**

1. Педагогик одоб ва унга қўйиладиган талаблар.
2. Педагогик қобилият.
3. Педагогик мулоқот маданияти.
4. Педагогик релаксация.
5. Педагогик назокат (такт).
6. Педагогик техника ва унинг таркибий элементлари.
7. Нутқ техникаси (нутқнинг техник жиҳатдан ташкил этилиши, нутқ одоби, овоздан фойдаланиш техникаси).

**Таянч тушунчалар:** педагогик маҳорат, касбий (педагогик) билим, педагогик қобилият, педагогик таъсир кўрсатиш, педагогик мулоқот, педагогик одоб, педагогик маданият, педагогик ҳамкорлик, педагогик назокат (такт), педагогик техника, пантомимика, мимика, ўқитувчининг нутқ техникаси.

Ўқитувчининг маҳорати бевосита касбий-педагогик фаолиятда кўринади. Шу сабабли ўқитувчи педагогик жараённинг умумий моҳиятини чуқур англай олиши, бу жараёнда устувор аҳамият қасб этадиган қонуниятлардан хабардор бўлиши, шунингдек, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш механизмларини пухта эгаллай билиши лозим.

Таълим жараённинг фаол иштирокчиси бўлган ўқитувчининг педагогик маҳорати педагог шахсини, унинг иш тажрибаси, фуқаролик мақоми, мутахассис сифатидаги мавқеи, у томонидан педагогик техниканинг етарли даражада эгалланганлиги, шунингдек, касбий фаолиятнинг индивидуаллигидан далолат беради.

Педагогик маҳорат яхлит тизим бўлиб, унинг таркибида бир қатор сифатлар кўзга ташланади.

Педагогик билимдон шахс мутахассис сифатида педагогик жараён ва муносабатларни мақсадга мувофиқ самарали шакл, усул ҳамда воситаларини

етарли даражада ўзлаштира олган бўлиши зарур. Билимдон ўқитувчи қуидаги сифатларни ўзлаштира олиш имкониятига эга бўлиши даркор:

- ижтимоий субъектлар билан ўзаро алоқада, маданий мулоқотда бўла олиш;
- мутахассислик йўналиши бўйича ахборотларни излаш, топиш, уларни таълим мазмунига таянган ҳолда қайта ишлаш ва касбий фаолият жараёнида улардан самарали фойдалана билиш;
- ўқув ахборотларини таълим олувчи (ўқувчи, талаба)ларга етказиб бера олиш.

Педагогнинг касбий билимдонлигига ўқувчи билан субъектив муносабат ўрната олиш; педагогик жараёнлар моҳияти, педагогик воқеликни изчил идрок қила билиш; жаҳон педагогик маданияти асосларини ҳамда миллий педагогик тажрибани ўрганиш, уларни интеграциялаштириш асосида ўз фаолиятига татбиқ этиш; инновацион янгиликлардан доимий хабардор бўлиш; шахсий тажрибаларни умумлаштириш ва таълим олувчиларга узатиш; касбий фидоийлик ҳамда педагогик технологияларни эгаллаш борасидаги билим, кўнкима ва малакаларнинг ўзлаштирилганлигига намоён бўлади.

Педагогик билимдонлиқда креативлик (инглиз тилидан “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор яққол кўзга ташланади. Мазкур тушунча ёрдамида ижодий ёндашув эмас, балки кўпроқ яратиш, ҳосил қилишга йўналтирилган жараённинг моҳияти очиб берилади. Шу боис бу тушунча фаолиятга нисбатан татбиқ этилса, у ҳолда бевосита яратувчанлик маъноларини англаради.

Тор маънода педагогик креативлик – бу аниқ белгиланган мақсадга эришиш учун мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш қобилияти сифатида, кенг маънода эса педагогик муаммоларни оқилона, устамонлик билан хал қилинишини англади.

Педагогик билимдонлик негизида, яна шунингдек, педагогик рефлексия (лотинчадан “reflexio” – ортга қайтиш, акс этиш) ҳам кўзга ташланади. Манбаларда “рефлексия” тушунчаси “кишининг ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг асосларини тушуниб этиши, фаҳмлашига қаратилган назарий

фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти”, “шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш” сифатида талқин этилади.

Ўқитувчи педагогик билимдонлик, креативлик, рефлексияга эга бўлиш билан бирга педагогик маданиятни ҳам ўзлаштира олиши зарур. Педагогик маданият касбий нуқтаи назардан педагогик фаолиятни олиб борувчи мутахассис умумий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади.

Таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш учун масъул ва етакчи субъект бўлган педагогнинг педагогик маданияти негизида қуидагилар акс этади:

- 1) унинг умумий маданияти, у томонидан эъзозланадиган моддий ва маънавий қадрияtlар, ижодий педагогик фаолияти;
- 2) педагог шахсининг тавсифи;
- 3) педагогик қадрияtlар, педагогнинг фаолияти ва касбий ҳулқ-авторини ўз ичига оловчи динамик тизим: педагогик позиция ва шахсий сифатлар; касбий билимлар ва педагогик тафаккур маданияти; касбий малака ва педагогик фаолиятининг ижодий хусусияти; шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва педагогнинг касбий ҳатти-ҳаракатлари маданияти.

Педагогга хос маданият негизида қуидаги сифатлар намоён бўлади:

- 1) ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)нинг қизиқишлиари ва эҳтиёжларини тушуна олиш, уларга ҳамдардлик билдириш қобилияти;
- 2) таълим ва тарбия жараёнини шахсан бойита олиш кўникмаси;
- 3) ўқувчи (талаба, тарбияланувчи) шахсида ижобий “мен”лик (ўзлик)ни ривожлантириш учун ижобий рағбат билдириш, йўналтира олиш;
- 4) ўзини ўзи ва ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)ларни бошқара олиш;
- 5) ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)лар билан расмий ва норасмий мулоқотни ташкил этишнинг турли услубларини ўзлаштира олганлик;
- 6) хиссий барқарорлик, ўзини тута билиш, ўз-ўзига ишонч, ҳаёцеварлик;
- 7) ҳеч қандай мажбурлов йўлларисиз педагогик зиддиятларни бошқариш;
- 8) турли диний ғоялар ва анъаналарга эътиқод қилувчи ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)ларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- 9) яратувчилик;

10) педагогик рефлексия қобилиятига эгалик.

Педагогик маданият бир қатор элементлар асосида ягона тизим сифатида намоён бўлади. Мазкур тизимнинг таркибий элементлари қуидагилардир:

**1. Педагогик лойиҳалаш маданияти.** У педагог томонидан ўзининг ички имкониятлари билан талаб, хоҳиш-истакларни ўзаро уйғунлаштира олган ҳолда мақсад ҳамда вазифаларни тўғри белгилай олиш, педагогик жараённи босқичлар бўйича режалаштириш, режани амалга оширишда зарур воситаларни танлаб билиш малакасига эгаликни тавсифлайди. Лойиҳалаш маданияти, шунингдек, фаолиятга ижодий ёндашишни, янгиликларни яратишни, қатъий белгиланган меъёр ва талаблар доирасидагина эмас, балки эркин ижод қилиш қобилиятига ҳам эгаликни билдиради.

**2. Касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти.** Бугунги кунда инсоният улкан ҳажмга эга педагогик билимларга эга. Мазкур маданият замонавий педагог томонидан мавжуд педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганлигини англатади.

**3. Педагогик дунёқараш.** Дунёқарашга эгалик барча соҳа мутахассисларида бўлгани каби педагог ҳаёти, фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Педагогик дунёқарашнинг муайян даражаси педагог ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнининг мазмуни, натижаларини белгилайди.

**4. Фикрлаш маданияти.** Педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, уларнинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиётга самарали татбиқ эта олишини ифодалайди. Педагогик жараёнда педагогнинг фикрлаш маданиятига эгалиги уни тўғри, оқилона ташкил этишда одатий ҳамда маҳсус воситалардан унумли фойдалана олишида кўзга ташланади.

**5. Ҳис этиш маданияти.** Мазкур маданият педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этишини билдиради.

**6. Баҳолаш маданияти.** Педагог у ёки бу педагогик воқелик, ҳодиса, жараёнлар бўйича уларнинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўғри хulosса чиқариш, оқилона қарор қабул қилиш қобилиятига эгаликни намоён эта олиши зарур. У томонидан чиқарилаётган хulosса ва қабул қилинаётган қарорлар моҳияттан ахлоқий, эстетик, сиёсий, хуқуқий, диний ёки фалсафий характерга эга бўлиши мумкин..

**7. Мулоқот маданияти.** Ушбу элемент педагогик жараёнда ҳал қилувчи, устувор аҳамият касб этади. Зеро, таълим ва тарбия жараёни унинг иштирокчилари ўртасидаги фаол мулоқотга асослангандир. Мулоқот жараёнининг тўғри, самарали ташкил этилиши кўзланган мақсадга эришиш имкониятини юзага келтиради.

**8. Ташкилотчилик қобилияти.** Таълимий ва тарбиявий жараёнларни илмий-назарий, методик ва ҳиссий жиҳатдан тўғри ташкил этилиши ҳам педагогик фаолият самарадорлигини белгиловчи муҳим омил саналади. Шу сабабли ҳар бир педагог ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши зарур.

**Педагогик одоб ва унга қўйиладиган талаблар.** Педагог фаолиятида унинг одоби ҳам яққол акс этади. Қолаверса, педагогик одоб таълим ва тарбия жараёнлари муваффақиятини таъминловчи муҳим талаб ҳамда омиллардан бири саналади.

Мазкур талаблар педагог (ўқитувчи) томонидан ташкил этиладиган педагогик меҳнат, фаолият жараёнини бошқарувчи муҳим омил ҳисобланади. Педагог одоб талабларининг тизими педагог (ўқитувчи) томонидан касбий бурчни адo этиш, жамият, педагогик жамоа ва ўқувчи (талаба, тарбияланувчи) олдидаги ахлоқий мажбуриятларини бажаришида ўзига хос аҳамият касб этади.

Педагогик одоб педагогик ахлоқ ва педагогик жараёнда намоён бўладиган ахлоқий қадриятлар каби асосий категорияларнинг моҳиятини ёритишда етакчи ўрин тутади. Педагог фаолиятида ҳам барча умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар етакчи ўрин тутади. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, педагогик одоб сирасида педагогик қарашларни, педагогик фаолият ва муносабатни ифодаловчи муҳим категориялар асосий ўринни эгаллайди.

**Касбий-педагогик бурч.** Эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолацизлик, тұғрисүзлик ва ёлғончилик, раҳмдиллик ва шафқақаизлик, оққүнгиллилик ва күнгли қоралик, ватанпарварлык ва ватанфуруушлик, тинчлик ва уруш каби умуминсоний ахлоқий қадриятлар инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи ва хатти-харакатларида үзига хос ўлчов бўлиб хизмат қиласи. Педагогик фаолиятда ҳам педагог ушбу қадриятларни улуғлай олиши, уларга таянган ҳолда фаолиятни ташкил этиши лозим. Шунингдек, ҳар бир педагог касбий-педагогик бурчини тўла англай олиши, уни адо этиш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил эта билиши зарур. Педагог томонидан жамият, унинг аъзолари, педагогик ва ўқувчилар жамоаси олдида қандай вазифаларни бажариши зарурлигини, касбий-педагогик бурчни бажаришда қандай тамойилларга таянишни аниқ белгилаб олиниши ҳам шахс, ҳам мутахассис ва фуқаро сифатида ўз мавқеини мустақил белгилаш имкониятини яратади. Агарда у ўз касбий фаолиятини мавжуд ахлоқий тамойилларга мувофиқ ташкил эта олса, у ҳолда ўз-ўзига бўлган ҳурмати ортади, ўз кучига ишонч пайдо бўлади. Бу эса педагогни янгидан янги ютуқларни қўлга киритишга рағбатлантиради. Агарда борди-ю, педагог касбий-педагогик бурчини англаса-да, бироқ, уни мавжуд ахлоқий талабларга мувофиқ ташкил эта олмаса, у ҳолда, энг аввало, ўзига бўлган ҳурматни йўқотади, ўзини шахс сифатида юқори баҳолай олмайди.

**2. Педагогик адолат.** “Адолат тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. Адолатнинг ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишликни билдиради”. Қолаверса, адолат инсоний қадр-қиммат билан унинг жамият томонидан тан олинганлиги, мавжуд ахлоқий қоида ва мажбуриятлар ўртасидаги ўзаро мутаносибликни тавсифлашга хизмат қиласи. Педагогик адолат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у педагогнинг педагогик жараёнга объектив, ҳаққоний ёндаша олиши, унинг ўқувчилар хулқ-атворини жамоа олдидаги хизматларига мувофиқ баҳолаш олишдаги ахлоқий тарбияланганлик даражаси (езгу ишлари, қатъияти, жиддийлиги, инсонийлиги)ни ифодалайди.

**3. Педагогик мажбурият.** Педагогик одобнинг муҳим категорияларидан бири бўлган – педагогик мажбурият тушунчасида жамият томонидан ўқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлоқий йўл-қўриқ, кўрсатмаларни ўзида жамлайди. Педагог касбий фаолиятни ташкил этишда қўйидаги мажбуриятларни бажара олиши зарур: муайян меҳнат вазифаларини, асосан, ақлий меҳнат вазифаларини амалга ошириш; ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкаслар билан ўзаро муносабатни тўғри ташкил этиш; танлаган касбига, ўқувчилар ва педагогик жамоага ҳамда жамиятга бўлган шахсий муносабатини чукур англаш. Педагогик мажбуриятлар сирасида, яна шунингдек, касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий муносабатда бўлиш, ўзига нисбатан талабчанлик, касбий билимларини бойитиб ва педагогик малакасини оширишга интилиш, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан ўзаро ҳурматга асосланган ва талабчан муносабатни ўрнатиш, мураккаб педагогик низоларни ижобий ҳал қилиш кўникумаларини ўзлаштириш кабиларни ҳам кўрсатиш зурур.

**4. Педагогик обрў.** Педагогнинг педагогик обрўга эга бўлиши у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолият самарадорлигини кафолатлайди. Педагог ўзининг обрўсига таяниб, ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)ларнинг ҳулқатворларини бошқаради, уларнинг ишончларини қозонади. Педагогик обрў педагогнинг маънавий-ахлоқий ва педагогик-психологик тайёргарлигини ҳам ифодалайди. Педагог эга бўлган обрў даражасини унинг чукур билими, заковати, маҳорати, ўз ишига бўлган муносабати ва бошқалар белгилайди.

**Педагогик мuloқot маданияти.** Педагогга хос бўлган маҳорат асосини ташкил этувчи педагогик мuloқot маданияти унинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар ҳамда раҳбарият билан уюштириладиган мuloқot жараёнида намоён бўлади. Бунда, айниқса, педагогнинг ўқувчилар жамоаси билан ўзаро мuloқoti муҳим аҳамиятга эга. Педагог ўқувчилар билан мuloқotга киришиш, унинг самарали бўлишига интилади.

**Педагогик мuloқot қўйидаги йўналишларда ташкил этилади:**

1. Педагогнинг алоҳида ўқувчи билан мuloқoti.

2. Педагогнинг алоҳида ўқувчи орқали бутун синф билан муроқоти.
3. Бутун синф билан бўлган муроқот;
4. Педагогнинг бутун синф орқали алоҳида ўқувчи билан муроқоти.

Педагогик муроқот руҳий-психологик таъсир кучига эга. Шу сабабли уни ташкил этишда муроқот жараёнининг ижобий бўлишини таъминлаш педагогнинг зиммасига катта масъулиятни юклайди. Агарда тўғри ташкил этилган педагогик муроқот ўқувчидаги қўркувнинг юзага келиши, ишончсизликнинг туғилиши, диққат, хотира ва иш қобилиятининг сусайиши, нутқ меъёрининг бузилиши кабиларга сабаб бўлса, аксинча, назарий-педагогик ва амалий жиҳатдан тўғри ташкил этилган муроқот юқоридаги ҳолатларнинг аксини келтириб чиқаради. Натижада ўқувчиларда ўқишга ва мустақил ўрганишга, фикрлашга бўлган қизиқиш ортади.

Педагогик муроқот ўзига хос ижтимоий-психологик жараён ҳам саналади. Мазкур жараёнда қуйидаги вазифалар бажарилади: 1) шахсни ўрганиш (билиш); 2) ахборот алмашиш; 3) фаолиятни ташкил этиш; 4) ҳамдард бўлиш.

Муроқот жараёнида ўқувчи томонидан билдирилаётган фикрлар, унинг қарашлари шахсни яқиндан ўрганиш учун имконият яратади. Ўқувчи шахсини яқиндан билиш, унинг ички кечинмалари, ўй-фикрлари, ҳис-туйғулари, орзуумид, мақсад ва ҳаётий интилишларидан хабардор бўлиш педагогик жараённинг методик, руҳий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини таъминлайди. Зеро, бу жараёнда педагог ўқувчи шахсига хос ёш, психологик ва шахсий хусусиятларни инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этади.

Муроқот жараёнидаги ахборот алмашинуви таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро ижтимоий жараёнлар, шахс камолотининг кечишига доир маълумотлар алмашишини таъминлайди. Педагог ва ўқувчилар ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш эса ҳар қандай вазиятда ҳам улар ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви самарали рўй бериши учун шароит яратади. Бу жараёнда ўқитувчи таълим олувчиларнинг энг яқин маслаҳатчиси, йўлбошчиси ва раҳбарига айланади. Муроқот чоғида ўқувчилар томонидан ўз шахсини, “мени”ни, қадр-қимматини етарлича баҳолаш ва ўз олдиларига ҳаётий

мақсадларни қўйган ҳолда олға интилишларини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш лозим. Мулоқот жараёнида ахборот алмасиши вазифасининг ҳал қилиниши қўйидаги воситалар асосида рўй беради:

- 1) нутқ;
- 2) паралингвистик (юононча *pará* – “яқин”, мулоқот таркибида сўзли, ғоявий маълумотларни сўзсиз воситалар билан биргалиқда узатилиши) ва экстравалингвистик (инглизча “*exterior*” – “ташқарида”, немисча “*linguistik*” - гапираётган шахснинг ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқ ҳолда нутқнинг ташкил этилиши – нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва бошқалар) тизимлар;
- 3) мулоқотнинг ташкилий кўлами ва вақти;
- 4) кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа;
- 5) белгиларнинг оптик-кинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – гавда, кўл ва оёқ ҳаракатлари).

Педагог раҳбарлиги ёки унинг йўл-йўриқлари, қўрсатмаларига асосан ўқув машғулотлари ва тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳам мулоқот муҳим аҳамият касб этади. Айни шу вақтда мулоқотнинг фаолиятни ташкил этиш вазифасини намоён бўлади. Яқин-яқингача фаолиятни ташкил этиш жараёнида педагогнинг етакчилиги, унинг бевосита раҳбарлиги устувор омил бўлган бўлса, замонавий шароитда роллар алмашинуви етакчи ўринга чиқди. Эндиликда аксарият ҳолларда ўқувчиларнинг ўзлари таълим ва тарбиявий жараёнларни мустақил уюштириш имкониятига эга бўлдилар. Бироқ, бу дегани, таълимий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш даврида педагогнинг ўрни ва роли мутлақо акс этмайди, дегани эмас. Педагог бу жараёнда раҳбар, етакчи, маслаҳатчи, эксперт сифатида намоён бўлади ва ўқувчиларни педагогик жараёнларни илмий-назарий ва ташкилий-методик жиҳатдан тўғри уюштиришга йўналтиради.

Педагогик мулоқотнинг энг муҳим вазифаларидан яна бири – таълим иштирокчиларининг ўзаро ҳамдард бўла олишлари (педагогик эмпатияга эгаликлар)дир.

Педагогик мuloқotни ташкил этишда, айниқса, педагог ёрдамига мухтож ўқувчиларга алоҳида эътибор бериш, ҳар бир ўқувчида турли ўкув фанлари асосларини ўзлаштиришга нисбатан қизиқтириш усулларини, ҳамкорлик ва ижодкорликка асосланган меҳнатни ташкил этишни олдиндан ўйлаб қўйиш лозим.

Ўқитувчи (педагог) томонидан жамоа билан мuloқotни уюштириш техникасини доимий равишида таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир. Маълум вазиятларда ўқитувчи раҳбар сифатида ўқувчилар, тарбияланувчилар фаолиятларини бошқаради. Худди шу жараёнда ҳам мuloқot етакчи омил хисобланади. Бироқ, мuloқotning самарадорлиги раҳбар сифатида намоён бўлаётган ўқитувчи томонидан қандай услугуб (мuloқot услугби)нинг танланганлиги билан белгиланади.

**Педагогик қобилият.** Педагогик жараённинг қанчалик самарали, мываффакиятли ташкил этилиши ўқитувчининг педагогик қобилиятга эгалигига боғлиқ. Манбалардан бирида “қобилият” тушунчаси шундай шарҳланади: шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият.

Қобилият умумий ва маҳсус қобилияtlар тарзида икки гурухга ажратилади. “**Умумий қобилияtlар** шахс фаолиятининг асосий турларида намоён бўлса, касбий фаолиятнинг айrim турларида намоён бўладиган қоилияtlар (математик, техник, мусиқа, тасвирий санъат, адабиёт (поэзия ва проза), жисмоний тайёргарлик ва бошқалар) **маҳсус қобилияtlар** деб юритилади. Қобилияtnинг етакчи хусусиятларидан бири – нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишdir”.

Педагогик қобилияtnинг устувор хусусиятлари қуйидагилар саналади:

- педагогик такт (педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мuloқotда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда ҳулқатвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндашиб малакаларига эгалиги);
- педагогик кузатувчанлик (ўқитувчининг ўқувчиларга хос бўлган ҳатто энг оддий хусусиятларни ҳам пайқаб олиш қобилиятига эгалиги);

- болаларга бўлган муҳаббат (ўқувчиларга меҳр қўя олиш, уларга меҳрибонлик кўрсатиш, ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, ҳаётий интилишлари билан ўртоқлашиш, улар учун қийин бўлган вазиятларда ғамхўрлик қилиш);
- билимларни узатишга бўлган эҳтиёж (педагог сифатида ўзидаги мавжуд билимларни ўқувчиларга беришга интилиш).

Ф.Н. Гоноболин ўқитувчи, педагог шахсида қуидаги қобилиятларнинг намоён бўлишини муҳим деб ҳисоблади:

- 1) ўқувчини тушуна олиш қобилияти;
- 2) ёш, психологик жиҳатдан барча ўқувчилар ўзлаштира оладиган материалларни тақдим эта олиш қобилияти;
- 3) ўқувчиларнинг қизиқишлигини ривожлантириш қобилияти;
- 4) ташкилотчилик қобилияти;
- 5) педагогик такт;
- 6) ўз ишининг натижаларини кўра олиш ва бошқалар.

Умуман олганда, педагогик қобилиятлар турлари, энг аввало, қуидагилар саналади:

- 1) педагогик кузатувчанлик;
- 2) педагогик хаёл (фантазия);
- 3) характер сифатларининг тарбияланишига бўлган талабчанлик;
- 4) педагогик такт;
- 5) ташкилотчилик қобилиятлари;
- 6) нутқ маданиятига эгалик.

## Асосий турлари

**Дидактик қобилиялар** – ўқув материалларини аник, равшан, осон тушунтириш, ўқувчиларда фанларга қизиқиши уйғотиш, мустакил фикрлаш күнімаларини шақллантирувчи қобилият

**Академик қобилиялар** – математика, физика, биология, кимә, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа фанлар асосларини пухта ўзлаштиришга имкон берадиган қобилият

**Перцептив қобилиялар** – шахснинг ички дүнёсига кира билиш, психологик күзатувчанлик, ўқувчининг вақтингчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик жиҳатларини тушуна олиш қобилияти

**Нутқ қобилияты** – шахснинг ўз хис-түйғуларини нутқ, шунингдек, мимика, пантомимика ёрдамида аник ва равшан ифодалаб бериш қобилияты

**Ташкилотчилик қобилияты** – ўқувчилар жамоасини уюштира бишиш, жамоани жипслаштира олиш, педагогик фаолиятни түғри ташкиллаштириш қобилияты

**Авторитар қобилият** – ўқувчиларга хиссий-иродавий таъсир этиш орқали улар ўртасида обрў қозониш имкониятини яратувчи қобилият

**Коммуникатив қобилият** – ўқувчилар билан мулокотда бўлиш, уларга тўғри ёндашишнинг самарали йўлини топиш, биргаликда мақсадга мувофиқ ўзаро педагогик алоқа боғловчи педагогик тактнинг мавжудлигини ифодаловчи қобилият

**Педагогик хаёл** – педагогнинг ўқувчилар шахсини тарбиявий жиҳатдан лойиҳалаштиришда ўз хатти-харакатлари натижаларини олдиндан кўра олишни таъминловчи қобилият

**Дикқатни тақсимлай олиш қобилияти** – педагогнинг бир вақтда ўз дикқатини бир қанча жараёнга қаратса олишини тавсифловчи қобилият

## Педагогик қобилият турлари

Замонавий шароитда ҳар бир ўқитувчи ўзида күйидаги педагогик қобилиятларни тарбиялай олиши керак:

- 1) мулокотга киришувчанлик;
- 2) ҳиссий сезгирлик (касбий зийраклик, бошқаларга ҳамдард бўла олиш, ички сезгига эга бўлиш);
- 3) ҳаракатчанлик, таълим жараёни иштирокчиларига иродавий таъсир кўрсатиш ва ишонтириш қобилиятига эгалик;
- 4) ҳиссий барқарорлик (ўз-ўзини тута билиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш);
- 5) келажакни мақбул ҳолда башоратлай билиш;
- 6) касбий мустақиллик, ижодий қобилиятга эгалик.

Қобилиятли ўқитувчиларда күйидаги ноёб қобилиятлар хам кўзга ташланади. Яъни:

- бир вақтнинг ўзида бир неча фаолиятни бажара олиш (масалан, эшитиш, кўриш, ўқиши, ёзиши, фикр юритиш, мулокот қилиш ва бошқалар);
- атрофика кечеётган икки ёки бир неча воқеликни бирдек қабул қилиш (жумладан, бир ўқувчининг маъruzасини эшитгани ҳолда, синфдаги бошқа ўқувчиларнинг фаолиятларини кузата олиш);
- ўта қизикувчанлик (табиат ва жамиятда кечеётган ҳар бир воқеа-ходиса (гарчи улар энг аҳамиятиз, эътиборга ташланмайдиган бўлса-да) моҳиятини билишга интилиш, ҳаддан зиёд кўп саволларга жавоб топишига интилиш);
- мия фаолиятининг биокимёвий ва электрик фаоллиги (мия деярли тўхтовсиз фаолият кўрсатиб, ниҳоятда кам вақт “дам олади”, шунингдек, билиш жараёнида ноаниқликлар кўзга ташланса, улар тезда бартараф этилади; уйқучанлик қобилиятли педагогларга хос хусусият эмас);
- нутқи ва фантазиясининг бойлиги (қобилиятли ўқитувчиларнинг аксарияти ниҳоятда бой нутққа эга, шунингдек, уларда фантазия (тасаввур қилиш) қобилияти бекиёс даражада кучли);

- кучли хотира (йирик ҳажмдаги матнни, жумладан, достонларни бир марта ўқиши билан тўлалигига ёдлаб олиб, уни сўзма-сўз қайта ҳикоя қилиб бериш қобилияти)га эгалик кабилар алоҳида ўрин тутади<sup>1</sup>.

**Педагогик релаксация.** “Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида, ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви, халқ хўжалигининг турли жабхаларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва шу каби қатор омиллар инсон рухиятига олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний, руҳий зўриқишилар бермоқда”<sup>2</sup>. Педагог фаолиятида руҳан ёки жисмонан толиқкан ўқувчиларда руҳий ҳамда жисмоний чарчоқларни бартараф этишга ҳам эътибор қаратиш талааб қилинади. Мазкур талааб салбий руҳий омиллар таъсири кучайган, катта ҳажмдаги ахборотлар билан тўқнашиш рўй бераётган мавжуд шароитда айниқса муҳим аҳамият касб этади. Таълим олувчиларда руҳий ва жисмоний толиқишиларни бартараф этишга қаратилган педагогик фаолият “релаксопедия” (лотинча “relaxation” – қуввацизлик, заифлашиш, руҳан ёки жисмонан ҳолдан тойишни бартараф этиш педагогикаси) деб номланади. Сўнгги йиллар жаҳон таълими амалиётида ушбу педагогика имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

**Педагогик релаксация** – таълим олувчилар (ўқувчи, талаба, тарбияланувчи)ларнинг ҳиссиёт фаолияти, руҳий-жисмоний қуввати ҳамда ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш

Мураккаб вазиятларда, мас., имконияти чекланган болалар, фанларни ўзлаштира олмайдиган ёки тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлашда релаксопедиянинг педагогик-психологик имкониятларидан ўринли, мақсадли ва самарали фойдаланиш кутилган натижаларни беради. Релаксация шароитида бугунги кунда кенг оммалашган тренинг ва автотренинглар ижобий муҳитнинг ҳосил бўлишини таъминлайди. Улардан фойдаланиш вақтида ўқувчилар ташки

<sup>1</sup> Худойбергенова Ў. Иқтидорли болаларни ўқитишига ихтисослашган мактаблар фаолияти самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари: Пед.фанл.номз... дисс. – Тошкент: 2006. – 20-21-бетлар.

<sup>2</sup> Оила психологияси / Муаллифлар: Ф.Б.Шоумаров ва бошқалар. Проф. Ф.Б.Шоумаров таҳрири остида. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2008. – 60-бет.

ва ички таъсирлардан ҳимояланган бўлиб, уларга фақатгина ўқитувчининг ишонтирувчи овозигина эшитилади. Бу эса ўқитувчининг таъсири ва унинг самарасини янада оширади.

Релаксация жараёнида ўқувчилар ўқитувчининг қўллаб-куватлашларини хис этишлари, унинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлишлари, ҳамдарлигини хис қилишлари лозим. Шундагина ўқувчилардаги руҳий зўриқиши, жисмоний толиқишиларни бартараф этиш учун психологик мұхит юзага келади.

Мушаклар релаксацияси (яъни мушакларни бўшаштириш) даврида ўз-ўзини ишонтириш ва ахборотга таъсирчанлик юқори бўлади. Шунинг учун ҳам ўз-ўзини ишонтиришга йўналтирилган тренинг ва автотренингларни ухлаш ва уйқудан туришдан олдин қўллаш самарали ҳисобланади. Мушаклар релаксацияси (яъни мушакларни бўшаштириш)нинг самарали кечиши учун ўқитувчи мушакларни бўшаштиришга ёрдам берадиган метод ва воситалардан хабардор бўлиши даркор.

Ўқувчиларнинг руҳий зўриқиши ва жисмоний толиқишиларини бартараф этиш мақсадида релаксация асосларини назарий жиҳатдан ўзлаштириб қолмай, улардан амалий жиҳатдан фойдаланишни ҳам билишлари зарур.

**Педагогик тақт.** Юқорида айтиб ўтилганидек, маҳоратли педагог фаолиятида педагогик тақт ҳам ўзига хос ўрин тутади:

**Педагогик тақт** – педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулокотда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда хулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндашиш малакаларига эгалиги

Педагогик тақт ўқитувчи фаолиятига ғоявий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мос келадиган педагогик ахлоқни бевосита татбиқ этишининг шакли сифатида намоён бўлади. **Тақт (даҳлдорлик)** – бу ахлоқий хулқ-атвор, хатти-ҳаракат бўлиб, ўзида барча объектив ҳаракатларнинг оқибати ва уларнинг шахс томонидан субъектив қабул қилишни аввалдан кўра олиш, шунингдек, белгиланган мақсадга осонроқ эришиш йўлларини излашнинг намоён бўлишини

ифодалайди. Шунга кўра педагогик такт ўз моҳиятига кўра ижодий изланишни талаб этадиган амалий ҳаракатдир.

Ўқитувчига хос бўлган педагогик тектнинг асосий таркибий элементлари сифатида қуидагиларни эътироф этиш мумкин:

- 1) шахсга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- 2) юксак талабчанлик;
- 3) сұхбатдошни қизиқиш билан тинглай олиш ва унга нисбатан қайғуриш малакаси;

- 4) руҳий барқарорлик, дадиллик ва оғир вазминлик;
- 5) муносабатлар жараёнида ишонч билан сўзлай олиш;
- 6) қатъиятлилик (қайсарлик эмас);
- 7) ўқувчиларга нисбатан эътиборли ва хушёр бўлиш<sup>3</sup>.

Демак, талабаларга педагогик маҳорат асосларига доир билимларни беришда уларда педагогик тектнинг қуидаги элементларини тарбиялашга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ва унга нисбатан талабчанлик;
- барча фаолият турлари бўйича ўқувчиларда мустақилликни ривожлантириш ва уларнинг ишларига оқилона педагогик раҳбарлик қилиш;
- ўқувчиларнинг руҳий ҳолатига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳамда унга нисбатан юксак идрок билан изчил талаблар қўйиш;
- ўқувчиларга ишониш ва уларнинг ишларини тизимли назорат қилиб бориш;
- ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этишда ўзини оқлаган ишchan ва хиссий ҳарактерга эга муносабатларни қўшиб олиб бориш.

Педагогик тектга хос бўлган муҳим ҳусусият ўқитувчининг нафакат ҳушмуомала бўлиши, ўқувчини сева олиши, ҳурмат қилиши эмас, унинг кўнглига тўғри йўл топа олиши ҳамdir.

---

<sup>3</sup> [http://imp.rudn.ru/psychology/pedagogical\\_psychology/13.html](http://imp.rudn.ru/psychology/pedagogical_psychology/13.html).

Ўқитувчининг педагогик тақтга эгалиги унинг юриш-туришида, вазминлигига, ўзини тута билишида намоён бўлади, Шунингдек, у ўқувчига ишонч билан қарашни назарда тутади. Ўқувчига ишончсизлик билан қараш ўқитувчининг педагогик тақтга эга эмаслигини ифодалайди. Ҳар қандай педагогик низо ёки зиддиятларнинг асосида ўқитувчининг педагогик тақтга эга эмаслиги ётади. Ҳар қандай қўполлик, кесатиқ ва койишлар, ўқувчиларни доимий равишда танқид қилиш, уларга ишончсизлик билдириш педагогик низоларни келтириб чиқаради. Педагогик тақт, шунингдек, ўқитувчининг ўқувчи жавобини диққат билан тинглашида, жавобнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратишида, борди-ю, ўқувчи хатога йўл қўядиган бўлса, уни босиқлик, вазминлик билан тўғрилашда, ўқувчи фаолиятини ҳаққоний, оқилона баҳолашда, қўйилган баҳонинг моҳиятини изоҳлашда намоён бўлади. Бу жараёнда жавоб берадиган ўқувчига жилмайиш, турли имо-ишоралар билан, бошни қимирлатиш, юз ифодалари, қўл ҳаракатлари билан унинг жавобларини маъқуллаб туриш педагогик фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Маҳоратли педагог, айниқса, ўқувчилар фаолиятини баҳолашда хушёр, эҳтиёткор бўлиши лозим. Зеро, нотўғри қўйилган баҳо ўқувчи шахсига салбий таъсир кўрсатиб қолмай, балки унинг ўқишига бўлган қизиқишини сўндиради. Шу сабабли ўқувчилар фаолиятини баҳолашда В.А.Сухомлинскийнинг педагогик тажрибасига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқувчига амалий ёндашиш (“Ўқувчи бўлгандан кейин ўқиб келиш керакда” тарзида эмас), балки унга шахс сифатида муносабатда бўлиш (“Ўқувчиларим, энг аввало, шахс, бола, сўнгра эса ўқувчи. Мен унга қўядиган баҳо унинг билимлари ўлчови эмас, балки менинг унга нисбатан инсоний муносабатимдир” тарзида ёндашиш).

2. Ҳар бир баҳо ўқувчини келажакка ишонч руҳида тарбиялаши зарур; у ўқувчининг меҳнатини рағбатлантириши, бироқ, унинг дангасалиги ва қобилияцизлиги учун жазо воситаси бўлмаслиги зарур.

**Педагогик техника ва унинг таркибий элементлари.** Педагогик маҳоратнинг муҳим белгиларидан бири бўлган педагогик техника ўз навбатида ўқитувчининг юқори техник малакаларга эгалигини ҳам англатади.

**Педагогик техника** – педагогга алоҳида ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)га ҳамда таълим олувчилар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали қўллай олиш учун зарур бўлган билим, кўнишка ва малакалар мажмуи

Педагогик техника асосларини муваффақиятли ўзлаштириш педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унга эришиш педагогика, психологик ҳамда амалий тайёргарлик бўйича махсус билимларга эга бўлишни талаб қиласди. Педагогик техникани ўзлаштиришда ўқитувчи ўқувчи хулқатвори, хатти-ҳаракатларининг ташки белгиларга кўра унинг ички ҳолатини белгилай олиш малакасига эга бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

Педагогга хос бўлган педагогик техниканинг муҳим элементлари:

- 1) унинг ўз диққати ҳамда ўқувчилар диққатини мақсадли бошқариш;
- 2) педагогик фаолиятда жараённинг, ўқувчилар ҳаракатининг суръатини ҳис қилиш саналади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг бош ғояси нимадан иборат?
2. Кадрлар тайёрлаш миллий модели нима?
3. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари нималардан иборат?
4. Узлуксиз таълим тизимининг моҳиятини ёритиб беринг.
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим мазмунини изоҳлаб беринг.
6. Педагогик касбининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
7. Ўқитувчи қандай сифатларга эга бўлиши зарур?
8. Сизнинг назарингизда бугунги кун ўқитувчисига қандай педагогик талаблар кўйилмоқда?

## **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Маърифат - Мададкор”, 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш /Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар Ж.Фозилов, Р.Султонов., Ҳ.Саидов. – Тошкент: “Маърифат-Мададкор” 2000.
3. Педагогик маҳорат. Мавлонова Р., Абдураҳимова Д. Т.: Фан ва технологиялар. 2012-йил
4. Педагогика /Бакалавриат йўналиши учун дарслик. Проф. М.Х.Тоҳтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010.
5. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.
6. ПЕДАГОГИКА (нopedагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик). У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Д.И.Рўзиева, М.Ҳ.Усмонбоева– Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2013.
7. ПЕДАГОГИКА: 1000 та саволга 1000 та жавоб. Методик қўлланма -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012
8. Тарбиявий ишлар методикаси. Р. Мавлонова, Н.Рахмонкулова, Б.Нормуродова, К.Матназарова -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2014
9. Бошланғич таълим педагогикаси, инновсияси ва интергацияси. Ўқув қўлланма Р.А.Мавланова, Н.Х.Рахманкулова Т. Ф.Гулом, 2013 й
10. интерфаол методлар:моҳияти ва қўлланилиши (Методик қўлланма) - Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012

## **4-МАВЗУ. КОНКРЕТ ВАЗИЯТНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, ЗАРУР БЎЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАНЛАШ, ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁННИ ЛОЙИХАЛАШ**

### **Режа:**

1. Илғор педагогик технологиялар ва уларнинг дидактик аҳамияти.
2. Педагогик технологияларнинг асосий вазифалари.
3. Педагогик технологияларнинг турлари.
4. Таълим технологиялари.

**Таянч тушунчалар:** технология, технологик ёндашув, педагогик технология, таълим технологияси, тарбия технологияси, технологик лойиха, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, технологик паспорт, технологик харита, интерфаол методлар.

Таълим технологияси назариясининг илк ғоялари илгари сурилган даврлардаёқ мазкур назариянинг асослари ҳам яратила бошланган. Таълим технологияси назариясининг умумий асосларини унинг мақсади, мазмуни, вазифалари, тамойиллари, объектив (ташқи) ҳамда субъектив (ички) омиллари, обьекти, асосий тушунчалари, мезонлари ва бошқалар ташкил этади.

Юқорида қайд этилганидек, педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлсада, айнан “педагогик технология” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни “амалиётга тадбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойихаси” дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараённи олдиндан лойиҳалашга қаратади<sup>4</sup>. Н.Ф.Талызина эса педагогик технологияни “фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи методлар ишлаб чиқарувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан”<sup>5</sup> бўлиши лозимлигини қайд этади ва ҳоказо.

Сўнгги ўн йил давомида нутқимизда “педагогик технология”, “замонавий педагогик технология”, “ўқитиш технологияси” каби тушунчалар кенг қўлланмоқда. Аксарият педагоглар “таълим технологияси” ва “педагогик технология” тушунчалари мазмунан бир маънони англатишини таъкидлайдилар. Бундай ёндашув у қадар тўғри эмас. Зоро, юқорида қайд этиб ўтилганидек,

<sup>4</sup> Беспалъко В.П. Слагаемые педагогической технологии. – Москва Педагогика, 1989. – С. 6.

<sup>5</sup> Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. – Москва: Изд-во МГУ, 1984. - с. 13.

таълим жараёнини технологиялаштириш ғояси дастлаб Ғарбий Европа ва АҚШда шаклланган. Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда “Педагогика” фани мавжуд эмас, шу боис “педагогик фаолият”, “педагогик технология” тушунчаси ҳам истеъмолда йўқ.

Бу ўринда Т.Н.Балло “педагогик технология” тушунчасига таъриф берар экан, уни ўқитиш жараёнига нисбатан топширикли ёндашув, Л.В.Занков, Т.Я.Гальперин, В.И.Давыдовлар босқичли ўқитиш, Г.К.Селевко ҳамда бошқа муаллифлар эса мазмунли умумлашма сифатида баҳолайдилар. П.Митчелнинг нуқтаи назарига кўра педагогик технология барча жиҳатларига кўра ўзига хос ва самарали натижаларни қўлга киритиш имконини берувчи педагогик тизимни ташкил этиш билан боғлиқ ҳолда таълим тизими доирасида олиб борилаётган тадқиқот назарияси ва амалиётининг муайян тармоғидир<sup>6</sup>.

С.К.Исламгурова эса “...технологик лойиҳага асосланган таълим жараёнини ташкил этиш усули бўлиб, у аввалдан белгиланган муайян қоида ва талабларга жавоб беради”<sup>7</sup>, - деган қарашни илгари суради.

Бошқа муаллифларнинг ҳам ёндашувлари бир-бирларидан фарқ қиласди. Мас., таълим шаклларини такомиллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва бошқаларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи (ЮНЕСКО); педагогик мақсадларга эришиш йўлида фойдаланиладиган барча шахсий, ускунали ва методологик воситаларнинг тизимли йигиндиси ва уларнинг амал қилиш тартиби (М.В.Кларин); таълим жараёнига нисбатан ўзига хос ёндашув; ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг педагогик ифодаси, технократик онгнинг педагогикага кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандарти (Б.Л.Фарберман); дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш, таълим жараёнини аввалдан лойиҳалаштириш (У.Н.Нишоналиев); ўқитувчининг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароит ва изчилликда таъсир кўрсатиш ҳамда мазкур фаолиятнинг маҳсулни сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёни (Н.Саидхмедов).

Олий таълим муассасаларида педагогика фанини ўқитиш жараёнида талабалар таълим ва тарбия жараёнининг мазмуни, тамойиллари, босқичлари, самарали шакллари, методлари ва воситалари, илғор технологиялар, ўқитувчи-таълим оловчи (ўқувчи, талаба) муносабатлари тўғрисидаги педагогик билимлар билан қуроллантириладилар, замонавий таълим ва тарбия назариялари тўғрисида

<sup>6</sup> Исламгурова С.К. Технологизация процесса обучения в школе: теория и опыт. – Алматы: Творческая педагогика, 2003. – С. 23.

<sup>7</sup> Ўша асар. – 25-бет.

маълумотларни ўзлаштириш асосида ўзларида педагогик фаолиятни муваффакиятли ташкил этиш кўникма, малакаларини шакллантирадилар.

XVII асрда Ян Амос Коменский ўз тадқиқотларида, таълим жараёнининг шундай механизми устида изланишлар олиб бордики, тўғри тақсимланган “вакт, усул ва жараёнлар,”, амалда қутиладиган натижани бериши керак.

Бундай механизмни Я.А.Коменский “Дидактик машина” деб атади.

Бундай дидактик машина учун:

1. Мақсаднинг аниқ қўйилиши.
2. Аниқ мақсадга эришиш учун, воситаларнинг тўғри танланиши.
3. Воситалардан тўғри фойдаланиш учун эса, аниқ қоидаларга амал қилиниши лозимлигини ёзган.

«Технология» юонча сўздан олинган бўлиб “*techno*” - маҳорат, санъат, малака ва “*logos*” - сўз, ўқитишот маъноларини англатади.

**Педагогик технология** – таълим ва тарбия жараёнларини технологик ёндашув асосида такомиллаштириш, илғор педагогик технологияларни яратиш ва таълим амалиётига самарали татбиқ этиш йўлларини тадқиқ қиласди.

сифат, яъни ўқитишнинг белгиланган  
даражасини эгаллаш;

оммавий, яъни ўқитишнинг белгиланган  
даражасини бир вақтнинг ўзида кўп  
сонли ўқувчилар эгаллашлари лозим;

самарадорлик, яъни ўқитишга сарф  
қилинган харажатлар, албатта максимал  
самара бериши лозим.

## Ишлаб чиқариш технологияси:

- хомашё, материал, ярим тайёр маҳсулотларни олиш, уларни қайта тайёрлаш ёки уларга ишлов бериш *йўл ва усулларининг ииғиндиси* (технологияни жараёнли-баёнли жихати);
- юқорида кўрсатилган йўл ва усулларни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи *илемий фан*. Технологияни илм сифатидаги вазифаси, моддий манба ва вақтлар кам сарфлашни талаб этувчи самарали ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва амалиётда улардан фойдаланишини аниқлаш мақсадидаги қонуниятларни топиш ҳисобланади (*илемий жихати*);
- *жараённинг ўзи* – топилмани қазиб олиш ҳаракатлари, ишлов бериш, қайта ишлаш, транспортда ташиш, омборга жойлаш, сақлаш, шунингдек ишлаб чиқаришнинг техник назорати (*жараёнли ҳаракат жихати*).

“Педагогик технология” – ўқитиши технологиялаштириш соҳасида педагогик ҳодиса ва жараёнда қўлланиладиган тушунча.

Ўқитиши технологиялаштириш –

(1) бу ўқитиши жараёнига технологик ёндашиш асосида ўқитиши мақсадларига эришишнинг энг мақбул усул ва воситаларни тадқиқ қилувчи, қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишdir.

(2) бу ўқитиши жараёнига технологик ёндашиш асосида таълимий мақсадларга эришиш

“Таълим технологияси” - ўз олдига ўқитиши шаклларини мақбуллаштириш вазифасини қўювчи, техник ва инсоний манбалар (ресурслар) ва уларнинг ўзаро ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда таълим бериш ва билимларни ўзлаштириш жараёнларини аниқлаш ҳамда қўллашнинг яратувчи тизимли усулидир (ЮНЭСКО).

Ўқитиши технологияси:

- бу мавжуд шароит ва ўрнатилган вақтда белгиланган таълимий мақсад ва қўзланаётган натижаларга кафолатли эришишнинг таъминловчи, мулокот, ахборот, бошқарув ва ўқитишининг энг қулай йўл ва воситаларининг тартибли ииғиндиси (ўқитиши технологиясининг жараёнли ва баёнли жихати);

➤ юзага келган таълим жараёни субъектларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари, амалдаги жараён (ўқитиш технологиясининг) тартиби.

Педагогик тизим – шахснинг барча хусусиятларини шакллантиришга қаратилган, педагогик жараёнда аниқ мақсадга йўналтирилган, ўзаро бир бирига боғланган ҳолда шакл, усул, воситаларнинг йифиндисини ифодалайдиган яхлит тизим. (В.П. Беспалько )

Ўқув фаолият шахсли, субъектли ва эмоционал характерга эга:

■ авторлик, индивидуал, ижодий ҳамда импровизацион таълим турига асосланади.

■ таълим олувчиларнинг психологик-касбий хусусиятлари, уларнинг шахсий хусусиятлари билан ўзаро боғлиқ.

Шунинг учун ҳам ўқитиш технологияси ўрнатилган тартибдан холи равища, субъектлар томонидан бир хил технологияни жорий этиш орқали қўлга киритилган таълим натижалари алоҳида ўрнатилган варианти билан характерланади.

Ўқитиш технологияси – тизимли категориядир.

- (1) У педагогик тизимнинг асосий компоненти ҳисобланади.
- (2) Таълим технологияси таркибий қисмининг асосий элементи.
- (3) Фанни ўқитиш методикасининг навбатдаги босқичи – методик тизим аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини иштрокчилар ҳаракатининг кетма-кетлигига айлантиради.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ёшларни маънавий-интеллектуал рағбатлантиришнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимига сизнинг муносабатингиз қандай?
3. Рейтинг тизимида қандай назорат турлари қўлланилади ва улар қачон ўtkазилади?
4. Рейтинг тизимида баҳолашда тестламинг ўрни қандай?
5. Тестламинг қандай турларини биласиз?
6. Олий ўқув юртларидаги рейтинг назорати шакллари қандай?
7. Сиз ўқувчини рағбатлантиришнинг қандай усусларини таклиф этардингиз?

## **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Маърифат - Мададкор”, 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш /Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар Ж.Фозилов, Р.Султонов., Ҳ.Сайдов. – Тошкент: “Маърифат-Мададкор” 2000.
3. Педагогик маҳорат. Мавлонова Р., Абдураҳимова Д. Т.: Фан ва технологиялар. 2012-йил
4. Педагогика /Бакалавриат йўналиши учун дарслик. Проф. М.Х. Тоҳтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010.
5. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н. Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.
6. ПЕДАГОГИКА (напедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик). У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Д.И.Рўзиева, М.Ҳ.Усмонбоева – Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2013.
7. ПЕДАГОГИКА: 1000 та саволга 1000 та жавоб. Методик қўлланма -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012
8. Тарбиявий ишлар методикаси. Р. Мавлонова, Н.Раҳмонқурова, Б.Нормуродова, К.Матназарова -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2014
9. Бошланғич таълим педагогикаси, инновсияси ва интергацияси. Ўқув қўлланма Р.А.Мавланова, Н.Ҳ.Рахманкулова Т.Ғ.Ғулом, 2013 й
10. Интерфаол методлар:моҳияти ва қўлланилиши (Методик қўлланма) - Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012

## **5-МАВЗУ. ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК МОҲИЯТИ Режа:**

1. Педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Таълим технологиясининг модели ва харитаси.
3. Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг турлари.

**Таянч тушунчалар:** технология, технологик ёндашув, педагогик технология, таълим технологияси, тарбия технологияси, технологик лойиҳа, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, технологик паспорт, технологик харита, интерфаол методлар.

**Педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари.** Педагогик технология ўзида қуидаги хусусиятларни намоён этади:

1. Педагогик технология педагогик жараённи такомиллаштириш, оптималлаштиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш омили саналади.
2. Педагогик технология дидактик ҳамда тарбиявий характердаги, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини самарали, маҳоратли тарзда ташкил этиш борасидаги назарий ҳамда амалий билимлар мажмуи, методологик фан сифатида намоён бўлади.
3. Педагогик технология таълим-тарбия жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи яхлит жараёндир.
4. Педагогик технология йўналтирувчанлик вазифасини бажаради, яъни, у шахсни ривожлантириш, тарбиялаш, шакллантириш учун хизмат қилади.
5. Педагогик технология – шахсийлик хусусиятига эга бўлиб, муайян технологияларни таълим-тарбия жараёнида қўллашга нисбатан ягона, қатъий, меъёрий (стандарт) талаблар қўйилмайди. Ҳар бир педагог ўзи фаолият юритаётган таълим-тарбия муҳитининг хусусиятлари, мавжуд ички ва ташки шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда муайян технологик ёндашувни амалга ошириш имкониятига эга.

6. Педагогик технология ўзида таълим, тарбия ва шахс тараққиёти (камолоти) бирлигини ифода этади.

Педагогик технологиянинг асосий мақсади комил шахсни шакллантириш учун пойдевор бўлган педагогик жараённи такомиллаштириш, инсонпарварлаштириш, ўқувчининг мустақиллигини таъминлаш, ўқитиш жараёнида техник воситалар имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишдан иборат.

**Технологик модел..** Педагогик технологиялар асосида таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишда ўқув машғулоти ёки муайян мавзудаги маънавий-маърифий тадбирнинг технологик паспортини ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотининг технологик паспортида қуидаги маълумотлар ўз аксини топади:

- 1) машғулот мавзуси;
- 2) маъruzaga ажратилган вақт;
- 3) талабалар сони;
- 4) ўқув машғулотининг шакли ва тури;
- 5) ўқув машғулотининг тузилиши;
- 6) ўқув машғулотининг мақсади;
- 7) педагогик вазифалар;
- 8) ўқув фаолияти натижалари;
- 9) таълим методлари;
- 10) таълимни ташкил этиш шакли;
- 11) дидактик воситалар;
- 12) таълимни ташкил этиш шароити;
- 13) назорат шакли

<i>Маъruzага ажратилган вақт</i>	<i>Талабалар сони</i>
<i>Уқув машгулотининг шакли ва тури</i>	Кириш маърузаси
<i>Уқув машгулотининг тузилиши</i>	
<i>Уқув машгулотининг мақсади:</i>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Уқув фаолияти натижалари:</i>
<i>Таълим методлари</i>	
<i>Таълимни ташкил этиши шакли</i>	
<i>Дидактик воситалар</i>	
<i>Таълимни ташкил этиши шароити</i>	
<i>Назорат</i>	

**Технологик харита** (педагогикада) – педагогик (таълим ва тарбия) жараённи бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи ўқитувчиларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат

Муайян вақтда бажариладиган таълимий ёки тарбиявий жараёнда бажариладиган фаолият учун мўжжалланган технологик харита қўйидаги саволларга жавоб бера олиши лозим:

1. Белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган педагогик фаолият қандай босқичларни ўз ичига олади?
2. Ҳар бир босқичда аниқ қандай вазифаларни бажариш зарур?
3. Ҳар бир босқич вазифаларини бажаришда ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи (талаба)нинг фаолият мазмуни нимадан иборат бўлади?

4. Вазифалар қандай изчиллиқда бажарилиши керак?
5. Муайян вазифа айнан қайси вактда бажарилиши зарур?
6. Ҳар бир вазифани бажариш учун қанча вакт талаб этилади?
7. Ҳар бир бажарилган вазифанинг аниқ натижаси қандай?
8. Вазифаларни бажариш учун зарур қандай асбоб-усқуналар, материаллар ёки воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

Одатда технологик харита ҳар бир педагогик жараён (ўкув машғулот ёки маънавий-маърифий тадбир) учун алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилади ва у кўп ҳолларда жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Педагогик фаолият моҳиятини ёритувчи технологик хариталар таълим муассасаси томонидан кўрсатиладиган хизматнинг техник андозаси бўлиб, масъул раҳбар шахслар томонидан маъқулланиши зарур

Иш босқичлари ва вакти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-босқич.</b> ( минут)		
<b>2-босқич.</b> (минут)		
<b>3-босқич.</b> (минут)		

#### **Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг турлари.**

Замонавий шароитда таълимнинг шахс имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариш, унинг қизиқиши ва эҳтиёжларини ошириш, қобилиятларини ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни вактда жаҳон таълими тажрибасига асосланган ҳолда таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг қуйидаги турларидан кенг фойдаланиш имконияти юзага келди:

Қуида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари турларининг моҳияти қисқача очиб берилади.

**1. Муаммоли таълим** замонавий таълим моҳиятини акс эттирувчи илғор педагогик технология ҳисобланади. Таълим амалиётида ундан фойдаланиш таълим олувчиларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари сурини, натижаларни асослаш ва маълум хуносаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиласди. Муаммоли ўқитишда муаммоли вазиятларни ҳал қилиш методи фаол қўлланилади. Муаммоли вазиятларни ҳал қилишда баҳс-мунозаралардан фойдаланилади. Бунда, айниқса, кичик гурухларда ишлаш самарали кечади.

**2. Модул таълими.** Модул таълимидан ўқувчиларнинг мустақил таълим олишларини йўлга қўйиш, уларни маълум ўқув материаллари билан таъминлаш ҳамда уларнинг таълимий фаолияти юзасидан мониторингини ташкил этишда фойдаланилади. Уни қўллашда бериладиган яхлит ўқув материали блок (алоҳида ажратилган қисм)ларда 1-блок, 2-блок ва ҳоказо тарзида тақдим этилади. Модул таълими асосида масофавий таълимни ҳам йўлга қўйиш мумкин. Бунда ўқувчилар алоҳида чоп этилган ёки компьютер варианти кўринишидаги блоклардан иборат материаллар билан таъминланадилар. Тақдим этилган материаллар ўқувчилар томонидан тўла ўрганилгандан сўнг уларга назарий билимларга эгаликни мустақил баҳолаш ва мавжуд билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи психологик ёки психологик топшириқлар берилади.

**3. Дастурий таълим.** Ўқувчиларнинг ички эҳтиёжлари, қизиқишилари, улар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келаётган муаммолар, шунингдек, ўқувчиларнинг билим, дунёқараш ҳамда ўқув фанининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этилади. Узлуксиз таълим жараёнида дастурий таълимни қўллашда педагоглар томонидан муаллифлик дастурларининг ишлаб чиқилиши аҳамиятлидир. Зоро, муаллифлик дастурлари ўқув машғулотларининг ранг-баранг бўлишини таъминлаш билан бирга мавжуд имкониятларни тўла инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

**4. Ривожлантирувчи таълим.** Мазкур таълим ўқувчиларнинг ички имкониятларини ошириш ва уларни рўёбга чиқаришга йўналтирилади. Ривожлантирувчи таълимда, кўпроқ, тренинглардан фойдаланилади. Тренинглар таълим олувчиларда муайян билимларни пухта ўзлаштириш ва уларни амалиётда самарали қўллай олишга доир кўникма-малакаларни шакллантиришга, бу жараёнда уларнинг мавжуд имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ривожлантирувчи таълимни қўллашда, шунингдек, тақдимотлардан ҳам самарали фойдаланиш тажрибаси тўпланди. Мазкур метод таълим олувчиларда ўқув фаолиятини ташкил этишга ижодий ёндашиш, ўз устида ишлаш, мустақил таълим олиш қўникмаларини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради.

**5. Ўйин технологиялари.** Таълим амалиётида ролли ва ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланилади. Ролли ва ишбилармонлик ўйинлари ўқувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик ва ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма-малакаларни ҳосил қилишга хизмат қиласди. Таълим жараёни иштирокчилари (мас., ўқувчилар, отаоналар, педагогик жамоа аъзолари, таълим муассасаларининг раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотларнинг ходимлари ва бошқалар) сифатида турли ролларни бажариш талабаларга педагогик фаолият мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятини ярача, ўқувчиларга маълум фаолиятни самарали ташкил этишга ҳам назарий, ҳам амалий ва энг муҳими руҳий тайёрланишга ёрдам беради.

**6. Интерфаол таълим.** Бугунги кунда интерфаол (“интер” – “ўзаро”) таълимдан фойдаланиш тобора оммалашмоқда. Мазкур таълим таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келувчи ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмасиши имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи” ўзаро

бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

**7. Ҳамкорлик таълими.** Ушбу таълим педагог ва ўқувчи (талаба)ларнинг таълимий фаолият жараёнида биргалиқда ривожланишлари, бир-бирларини тушуна олишлари, бир-бирларига нисбатан яқинликни ҳис қилишлари, фаолият босқичлари ва уларда эришилган натижаларни ҳамкорликда таҳлил қилишидан иборат бўлиб, илғор, ривожлантирувчи ғояларни ўзида акс эттириши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳамкорлик таълимининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- педагогик талабни инкор этган ҳолда таълимий ҳамкорликка асосланувчи муносабатларни ташкил этиш;
- ўқувчи, талабаларга инсонпарварлик ғоялари асосида индивидуал ёндашиш;
- таълим жараёнида касбий ва маънавий бирликнинг қарор топишига эришиш.

Ҳамкорлик таълимининг асосий ғояси ўқув топширикларини биргалиқда бажариш ҳамда биргалиқда таълим олишни назарда тутади.

**8. Табақалаштирилган таълим.** Узлуксиз таълим тизимида мазкур таълимдан фойдаланиш ўқувчи, талабаларнинг шахсий лаёқатлари, қизиқишлари ва қобилиятларини аниқлаш асосида уларга турли ўзлаштириш даражалари бўйича, бироқ, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури талабларидан кам бўлмаган ҳажмдаги материалларни беришга йўналтирилади.

**9. Индивидуал таълим.** Бугунги кунда индивидуал таълим кенг оммалашмоқда. Бинобарин, мазкур таълим ўз моҳиятига кўра шахс томонидан унинг учун қулай бўлган вақт, макон ва муддатда маълум дастур асосида билим олинишини таъминлайди. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир мутахассис кучли рақобатга бардошли бўла олиши зарур. Бу эса табиий равища мутахассисларни ўз устиларида ишлаш, касбий билим, кўникма ва малакаларини доимий равища такомиллаштириб боришни тақозо этади. Худди мана шу

сабабга кўра узлуксиз таълимнинг муайян босқичлари, умумий ўрта таълим мактаблари, қасб-хунарга йўналтирилган таълим муассасалари, олий ўқув юртлари, қолаверса, қасбий фаолиятни олиб бориш даврида индивидуал тарзда илмий билимларни ўзлаштириш, ўз билимларини мустаҳкамлаш ва бойитиш, қасбий фаолиятга тайёрланишга йўналтиришни тақозо этмоқда. Индивидуал таълим вақтни иқтисод қилиш, ортиқча куч ва маблағ сарфламаслик, мақбул дастур, вақт ва маконни танлаш имкониятини яратади. Бу турдаги таълимнинг тобора кенг оммалашиб бораётган шакли – бу репетиторлик таълими бўлиб, у асосида таълим олишда маълум қулайликларга эга бўлиш мумкин. Бунда, энг муҳими, ўқитувчи бутун эътиборини якка шахсга қаратиши, унинг ички имкониятлари, қизиқиши ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўқув материалларини танлайди.

**10. Масофавий таълим.** Ушбу турдаги таълим “ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз “масофадан ўқитиши” имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга асосланган ўқитиши жараёнининг ўзига хос янги шакли”<sup>8</sup>. Шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос бу шаклига кўра таълим жараёни янги ахборот технологиялар ва мультимедия тизими ёрдамида ташкил этилади.

Масофавий таълим қуйидаги имкониятларга эга:

1. Таълим олишга, билимларни ўзлаштиришга ижобий ёндашувни таъминлайди.
2. Педагогик жараён мақсади сифатида таълим олувчига аниқ йўналиш беради.
3. Методологик, назарий ва услубий билимларни эгаллашга имкон яратади.
4. Билиш фаолиятини мустақил ташкил этиш имконини беради.
5. Турли ахборотларини излаш ва уларни ўзлаштириш орқали таълим олиш имкониятини яратади.

---

<sup>8</sup> Педагогика фанидан изоҳли луғат / Тузувчилар: Ж.Ҳасанбоев ва бошқ. – Тошкент: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2009. – 263-264-бетлар.

**11. Мустақил таълим.** Мазкур таълим “олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадида” ташкил этилади. Мустақил таълимнинг афзаллиги ўқувчилар билимларни ўзлари учун қулай бўлган шароит ва вақтда ўзлаштира оладилар. Бугунги кунда мустақил таълим олиш учун кенг имкониятлар мавжуд. Ўқувчи мавжуд нашр ишлари (ўқув, илмий, илмий-оммабоп ва оммабоп асарлар), Интернет ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан тақдим этилаётган материаллари ёрдамида ўз билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш имкониятига эга. Бирок, мустақил таълимнинг ташкил этилиши учун ҳам муайян даражада назорат зарур. Зеро, ёш хусусиятларига кўра имкониятлари турлича бўлган ўқувчилар тизимлаштирилмаган, асосланмаган маълумотларни ҳам қабул қилишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу сабабли таълим муассасаларида ўқитувчилар таълим олувчиларни мустақил таълим олишга рағбатлантиришда уларга методик ёрдам ҳам кўрсатишлари, тўғри йўналиш бера олишлари керак.

**12. Инновацион таълим.** Ушбу турдаги таълим ўқувчи, талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш ҳамда ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифат ҳамда малакаларни шакллантириш имкониятини яратади. “Инновацион таълим” (инглизчадан “инновацион” – янгилик киритиш, яратиш) тушунчаси ilk бор 1979 йилда Рим клубида “Таълим олишнинг чегараси йўқ” (“Нет пределов обучению”) мавзусида ўқилган маърузада тилга олинган. Мазкур таълим ижтимоий мухит, маданият, шунингдек, таълим соҳаларида рўй берадиган инновацион ўзгаришларни рағбатлантириш, шахс хаёти ҳамда жамиятнинг инновацион даврида юзага келаётган муаммоли вазиятларни ижобий ҳал қилишни тезлаштириш имкониятини яратади. Узлуксиз таълим тизимида инновацион таълимдан фойдаланиш ўқувчи ҳамда талабаларни улар томонидан билим, кўникма ва малакалар ўзлаштираётган соҳаларида янгиликлар яратиш, илғор ғояларни асослаш, амалиётга самарали татбиқ этишга тайёрлайди.

## **Назорат учун саволлар:**

1. Таълим мазмунининг моҳияти нимадан иборат?
2. Умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими мазмунини танлаб олиш тамойилларини таърифлаб беринг.
3. Ҳозирги босқичда таълим мазмунини белгилаш асосий ғояларини (асосларини) айтиб беринг.
4. Мутахассислик фани бўйича умумий ўрта, ўрта маҳсус таълими давлат таълим стандартини таҳлил қилиб беринг.
5. Ўкув режаларининг турларини айтинг, академик лицей ўкув режасини таърифлаб беринг.
6. Ўкув дастурларининг қандай турлари мавжуд?

## **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни // Ўкувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Маърифат - Мададкор”, 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўкувчи маънавиятини шакллантириш /Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар Ж.Фозилов, Р.Султонов., Ҳ.Саидов. – Тошкент: “Маърифат-Мададкор” 2000.
3. Педагогик маҳорат. Мавлонова Р., Абдураҳимова Д. Т.: Фан ва технологиялар. 2012-йил
4. Педагогика /Бакалавриат йўналиши учун дарслик. Проф. М.Х. Тоҳтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010.
5. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н. Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.
6. ПЕДАГОГИКА (напедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик). У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Д.И.Рўзиева, М.Ҳ.Усмонбоева – Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2013.
7. ПЕДАГОГИКА: 1000 та саволга 1000 та жавоб. Методик кўлланма -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012
8. Тарбиявий ишлар методикаси. Р. Мавлонова, Н.Рахмонқуловая, Б.Нормуродова, К.Матназарова -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2014
9. Бошланғич таълим педагогикаси, инновсияси ва интергацияси. Ўкув кўлланма Р.А.Мавланова, Н.Х.Рахманкулова Т.Ғ.Ғулом, 2013 й
10. Интерфаол методлар:моҳияти ва қўлланилиши (Методик кўлланма) - Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012



## **6-МАВЗУ. БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ЁНДАШУВНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасида педагогик кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйилиш тарихи.
2. Педагогика коллежлари фаолияти.
3. Педагогика институтлари ва университетлари.

**Таянч тушунчалар:** педагогик кадр, Халқ маорифи тизими, педагогика билим юртлари, институтлар, университетлар, таълим мазмунини интеграциялашуви, интегратив фанлар.

Хозирги даврда бизнинг республикамизда таълим мазмунини аниqlашда қуидаги ғояларга асосланилади: инсонпарварлашув, дифференциаллашув, интеграциялаш ҳамда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш.

Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш деганимиз таълим муассасаси болага эътибор билан қарашини, яъни боланинг шахсини хурмат қилиш, иуларнинг қизиқишларини, қобилиятларини ҳисобга олиш ётади. Шунинг билан бирга ўкувчиларнинг ўкув соатини қисқартириш ортиқча ишлардан саклайди. Инсонпарварлашув ижтимоий ва табиий ва илмий фанларнинг “инсонга хизмат” қилишини талаб этади. Таълим мазмунини инсонпарварлаштиришда асосий ролни тил ва адабиёт, руҳий-инсонпарварлик тарбия, жамияцхунослик фанлари асосий роль ўйнайди.

Таълим мазмунини дифференциаллашуви – ўкув ташкил этишдаги иккинчи етакчи ғоя. Дифференцияллашув – бу хозирги даврда таълим беришнинг умумий тенденцияси. Бизнинг республикамизда таълим беришни дифференциаллаштириш мақсадида фанларни чуқурлаштириб ўқитиладиган сифилар, мактаблар очилган.

Таълим мазмунини интеграциялашуви ғояси бир-бирига яқин фанларни қўйиб, интегратив фанларни яратишни мақсад қилиб қўяди. Интегратив фанлар

ўқувчиларга оламнинг тугал манзарасини ҳосил қилишда улкан рол ўйнайди.

Бундан ташқари ўтиладиган дарсларнинг сонини қисқартиради.

Таълимни интеграциялаштириш (ўзаро мувофиқлаштириш) ўқувчиларда дунёни яхлит тасаввур қилиш қобилиятини ривожлантиришда умумлаштирадиган, дунёқарашни шакллантириш имконини берадиган интегратив фанларни яратиш ғоясини ифодалайди.

**1. Ўзбекистон Республикасида педагогик кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйилиш тарихи.** Ўзбекистон Республикасида педагогик кадрлар тайёрлаш тизими ўз ичига қуидаги босқичларни олади:

- 1) педагогик коллежларда кичик мутахассислар сифатида ўқитувчиларни тайёрлаш;
- 2) педагогика институтларида олий маълумотли педагогларни тайёрлаш;
- 3) педагогика университетларида олий маълумотли педагогларни тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикасининг педагогик кадрларни тайёрлашнинг замонавий тизими бундан қарийб 130 йил аввал шаклланган.

1879 йилда Тошкент шаҳрида дастлабки ўқитувчилар семинарияси очилган бўлиб, унда маҳаллий аҳоли болалари учун 1-3 та ўрин ажратилган эди. 1884 йили, яъни синов учун рус-тузем мактаблари ташкил этилган вақтда, Туркистон ўқитувчилар семинариясининг рус қисмида тарбияланувчилар учун ўзбек тили киритилди. Синов учун очилган рус-тузем мактабининг биринчи ўқитувчиси В.П.Наливкин бўлиб, у семинарияда 1890 йилгача дарс берган. Бу даврда у рус-тузем мактабларида ўқитувчи бўлажак ўқувчиларга факат ўзбек тилини ўргатибгина қолмасдан, балки уларда ўлкани ўрганишга ҳавас ҳам тарбиялаган эди. Семинарияда ўқиб, чиққанлардан рус-тузем мактабларида ишлашга тайёр бўлган ва бу ишни севиб қолган анчагина ўқитувчилар етишиб чиқди. Наливкиннинг баъзи шогирдлари йирик олимлар бўлиб етишдилар (масалан, Самарқандда Улугбек расадхонасининг ёдгорликларини топган археолог В.В.Ваткин шулар жумласидандир).

1917 йилнинг 9-14 майида Тошкентда ўқитувчилар биринчи ўлка курултойи ташкил этилди. Шунингдек, 1917 йили Тошкентда Мусулмон ўқитувчилар курсининг фаолияти йўлга қўйилди.

1918 йилдан бошлаб рус бўлмаган халқлар яшайдиган жойларда мактаблар ва оқартув муассасалари тузила бошлади. Худди шу йилнинг 13 майида Тошкент шаҳрида Мунаввар Кори бошчилигидаги комиссия томонидан “Халқ дорилфунуни” ташкил этилди.

Миллий педагог кадрлар тайёрлаш, миллий дарсликлар нашр қилиш, ўз ёзуви бўлмаган халқлар учун эса, уларнинг тилларида алифбे тузиш юзасидан катта ишлар бошланиб кетди. Ўзбекистон территориясида педагог кадрлар масаласи жуда қийин ахволда эди, фақат 704 ўқитувчи ва биттагина педагогика ўқув юрти – Тошкент шаҳрида ўқитувчилар семинарияси бор эди.

Ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида дастлаб Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда кисқа муддатли курслар очилди. 1920-21 йилда эса юқори типдаги ўқув юртлари:

- 1) Ўзбек эрлар дорулмуалими;
- 2) Ўзбек хотин-қизлари дорулмуалими очилди.

Шундай қилиб, 1918-1921 йилларда Ўзбекистон территориясида педагогика ўқув юртлари тармоғи янгидан яратилди.

Халқ маорифи комиссарлиги 1920 йилда мактабларнинг ўқув дастурларини эълон қилди. Кейинчалик бу ўқув дастурлари мукаммаллаштирилди. Бироқ мактаблар учун тузилган ана шу энг биринчи ўқув дастурлари чор хукумати ва капиталистик мамлакатлар ўқув дастурларидан фарқ қилувчи ҳарактерли белгилари бор эди. Улар:

- 1) гуманитар, физика-математика ва биология фанлари киритилиб, ўқув фанларини хилма-хил бўлиши;
- 2) тил ва адабиёт – 38 соат, математика – 36 соат, яъни энг кўп ўқув соатлари берилиши;
- 3) табиёт, физика ва химияга кўп соат берилиши (жами – 48 соат); жисмоний тарбия – 16 ва санъатга – 21 соат ажратилди).

Бу йилларда Туркистанда маҳаллий миллатлардан янги ўқитувчи кадрлар тайёрлаш борасида жуда катта иш олиб борилди.

Ўша йилларда миллий педагог тайёрлаш формалари ва методлари жуда хилма-хил эди. Республикада педагогика курслари, билим юртлари ва бошқа ўқув юртларининг кенг тармоғи ривожлантирилди, маҳаллий миллатлар ёшларнинг илғор қисми шу соҳага жалб қилинди.

Қуидаги ракамлар ўша йиллардаги ўқитувчи кадрлар тайёрлаш суръатларидан далолат беради. 1920 йилнинг сентябригача қисқа муддатли педагогик курсларда асосан маҳаллий миллатлардан 1140 ўқитувчи тайёрланди, 1522 киши қайтадан тайёрланди (ЦГАОР Ўз. Ф.ЗУоп1, 91209, л.98).

Қисқа муддатли курсларда, етук педагог кадрлар тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиб бўлмасди, лекин шунга қарамай, бу курслар маҳаллий миллатлардан янги кайфиятдаги ёш кадрларни етиштиришга маълум даражада хисса қўшди.

Янги мактабларда дарс-таълимнинг асосий шакли бўлиб қолди. Дарсни ўтказишга оид талаблар оширилди. Кўп мактабларда ўқув ишларининг турлитуман методлари қўлланила бошлади, ўқувчиларнинг билимларни эгаллашга активлиги ва қизиқиши ошди, шунингдек, оммавий (жамоавий) ва гурухли иш шакллари вужудга кела бошлади.

Ўша вақтлардаги ўқитувчиларнинг эсадликларидан янги мактабларнинг қанчалик муваффақият билан ривожлангани ва улар қандай қилиб шаҳар ва қишлоқларнинг маданий марказларига айлана бошлаганлиги равshan қўриниб турибди. Мактабларда кундузи болалар, кечкурунлари эса катта ёшдаги кишилар ўқитилган. Шу билан бирга аҳоли орасида жаҳолатга, диний хурофотлар ва биддиъатларга қарши қаратилган катта сиёсий-оммавий ва оқартув ишлари олиб борилган.

1924 йили Ўзбекистонда олтита педагогика билим юрти бўлиб, уларда 1775 ўқувчи ўқир эди. Кейинчалик педагогика билим юртларига “техникум” номи берилди. 1928-29 йилда олтита педагогика техникуми очилди. Шундай

қилиб, Ўзбекистонда 1928 йилда 19 та педагогика техникуми фаолият олиб борар эди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Педагогика институтларида “Педалогия” алоҳида фан сифатида ўқитила бошланди. Бир қатор институтларда мутахассис-педалоглар тайёрлайдиган педалогия факультетлари ҳам бор эди. “Педалоглар” ўқитувчиларни ишларига аралашдилар, уларни обрўсини туширдилар, болаларни ҳар томонлама ўрганишларига ва умуман уларнинг фаолиятига ҳалақит бердилар, болаларни ўрганиш ва ақлий ўсиш, истеъодод даражасини аниқлашда катта ҳуқуқка эга эканликларини даъво қилдилар. Педалоглар ўқитувчидан ажралган ҳолда иш олиб бордилар. Улар фанга хилоф экспериментларни қўлладилар, анкета, тест ва шу каби йўллар билан текширув ишлари олиб бордилар. Шу билан бирга педалоглар қўллаб келган текшириш усулларининг бузуқлиги оқибатида нормал болаларни “қолоқ”, “камчиликка эга”, “тарбияси қийин” болалар категориясига киритар ҳамда уларни шундай болалар тарбияланадиган маҳсус ва ёрдамчи мактабларга юбориб, уларнинг ўз куч ва қобилияtlарига бўлган ишончларини йўқотар эдилар.

Ҳукуматнинг 1936 йил 4 июлдаги “Халқ маорифи тизимида Педалогия бузуқликлар тўғрисда” деб чиқарган қарорида педалогиянинг заарли фаолиятини фош этди ва улар сохта фан, ноилмий фикрларга асосланадилар, деб кўрсатди. Буларга ҳаммадан бурун педалогиянинг бош “қонуни” – болалар тақдирининг биологик ва социал факторлар билан насл ва қандайдир ўзгармас муҳит таъсири билан фантастик шартлаш қонуни кирди. Мана бу ўта кетган антилмий, реакцион “қонун”га суюнган педалоглар тарбиянинг инсон ривожланишидаги ғоят катта аҳамиятини пасайтириб юбордилар.

Ҳукумат бу қарорида педалогия бузуқликларини тугатиб: “педагогика ва педагогларнинг ҳуқуқлари тиклансин ва шу мақсадда болалар тўғрисидаги ҳақиқий илмий фан бўлган педагогиканинг равнақи учун шароит туғдирилсин”, - деб талаб этди.

Иккинчи Жаҳон уруши йилларида ўқитувчи кадрлар тайёрлаш энг долзарб муаммо эди. 1940-1941 ўқув йилида мактабларда уларнинг умумий сони

36.267 кишидан 1942-1943 ўқув йилади 30.616 кишигача, яъни 5651 киши камайди («Правда Востока», № 193 – 6548, 1944. 29 сентябрь).

Фронтга кетган ўқитувчиларни тўлдириш учун асосан ўзбек хотин-қизларидан мактаблар учун ўқитувчилар ва болалар уйлари учун тарбиячилар тайёрлаш мақсадида қисқа муддатли курслар ташкил этилди.

Шу билан бирга олий ва педагогика ўқув юртларида педагогок кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор берилди. 1944 йилда Ургенч, Нукус, Марғилон ва Наманган шаҳарларида бешта педагогика билим юрти ташкил этилди.

1944 йилда республика университетлари, педагогика ва ўқитувчилар институтларида студентлар сони 6193 кишига педагогика билим юртларида ўқувчилар сони 4779 кишига етди («Правда Востока» №193 – 6548, 1944 г. 29 сен).

Республика педагогика ўқув юртларида ёш мутахасислар тайёрлаш соҳасида тўхтовсиз давом этаётган иш ва мамлакатнинг вақтинча босиб олинган раёнларидан қўчириб келинган ўқитувчилардан фойдаланиш, мактабларни малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминлашга имкон берди. 1944 йилда республика мактабларидағи ўқувчилар сони 1940 йилдаги даражасига нисбатан 2198 кишига ортди ва у 38112 кишини ташкил қилди.

Бундан ташқари, республикада сиртдан ўқиш системаси ва қисқа муддатли курсларда ўқитувчилар тайёрлаш борасида катта ишлар олиб борилди. 1944 йилда турли курсларда 5 мингдан зиёд ўқитувчилар ўқир эдилар, олий ўқув юртлари ва педагогика билим юртларидағи сиртқи таълимига 15 минг киши жалб қилинган эди.

Мустақиллик йилларида олий таълим соҳасида тест усули жорий этилди, вилоят марказларида педагогика институтлари университетларга айлантирилди, ўқитувчиларнинг ташкилот ва халқаро жамоалар ҳисобидан чет элларга тажриба алмашишлари йўлга кўйилди.

**2. Педагогика колледжлари фаолияти.** 1966 йил 22 августдаги Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан мактабгача таълим мусиқа-педагогика билим юрти ташкил этилди. Ушбу таълим муассасаси кейинчалик Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика билим юрти деб номланди. Мазкур билим юрти болалар боғчасига мусиқа раҳбарларини тайёрлаш мақсадида ташкил этилган.

2001 йил 12 июн Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта маҳсус касб ҳунар таълими тузилмасини такомиллшириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан ўқув даргоҳи Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика колледжига айлантирилди.

2002 йили колледжа “Мактабгача таълим” бўлими очилди. 2004 йилда “Бошланғич таълим тарбия иши” ишлаб чиқаришдан ажralмаган ва ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда таълим олиш мумкин бўлган бўлиmlар очилди.

Хозирги кунда мусиқа бўлимида қўйидаги фан уюшмалари фаолият кўрсатмоқда:

1. Ўзбек халқ асбоблари.
2. Маҳсус фортепиано.
3. Хор дирижёrlиги.
4. Мусиқа назарияси.
5. Аккомпонимент.
6. Концертмейстер.
7. Педагогик амалиёт.

**1. Мусиқа тарбияси** бўлими. Унда қўйидаги ихтисосликлар бўйича кичик мутахассислар тайёрланади:

1. Мусиқа раҳбари.
2. Бошланғич синфларда мусиқа тарбияси ташкилотчиси.
3. Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа тарбияси ташкилотчиси.
4. Мусиқа тўгараги раҳбари.

Ўқиш муддати – 3 йил.

**2. Жисмоний тарбия бўлими.** Унда қуидаги ихтисосликлар бўйича кичик мутахассислар тайёрланади:

1. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия ташкилотчиси.
2. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия ташкилотчиси.  
Ўқиш муддати – 3 йил.

**3. Мактабгача тарбия бўлими.** Бўлимида қуидаги ихтисосликлар бўйича кичик мутахассислар тайёрланади:

1. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи ва оилавий гувернер.
2. Мактабгача таълим муассасаларида хорижий тилларни ўргатиш хукуқига эга бўлган тарбиячи.
3. Мактабгача таълим муассасаларида бошланғич компьютер саводхонлигини ўргатувчи тарбиячи.

Ўқиш муддати – 3 йил.

**4. Бошланғич таълим тарбия иши бўлими.** Қуидаги ихтисосликлар бўйича кичик мутахассислар тайёрланади:

1. Бошланғич синфларда эстетик тарбия ташкилотчиси.
2. Бошланғич синфларда меҳнат тарбияси ташкилотчиси.
3. Куни узайтирилган гурӯхларда тарбиячи.

Ўқиш муддати – 3 йил.

**3. Педагогика институтлари ва университетлари.** Маълумки, Туркистон ўлкасида ўрта асрлардан бошлаб мадрасаларда олий таълим ташкил этилган. XX асрда Туркистонда жами 317 та (Бухорода 80 та, Қўқонда 40 та, Самарқандда 22 та, Марғилонда 28 та, Хивада 130 та, Тошкентда 17 та) олий мактаб ҳисобланган мадрасалар фаолият юритган.

1917 йилнинг 14 ноябрида Самарқандда Туркистоннинг мусулмон аҳолиси учун “Халқ дорилфунуни” ташкил этилди. “Халқ дорилфунуни”да табиий математика ва қишлоқ хўжалиги бўлимлари бўлган. 1918 йилнинг 13 майида эса Тошкент шаҳрида Мунаввар Қори бошчилигидаги комиссия томонидан “Халқ дорилфунуни” ташкил этилди.

1920 йилда Туркистон давлат университетида 6 та факультет ишлаб олиб борарди. 1920 йилда Тошкентда К.А.Темирязов номида Олий педагогика ўқув юрти, Халқ Маорифи институти очилди. Шу йилларда Туркистонда еттига маориф институти очилган бўлиб, уларда 1145 нафар киши таҳсил оларди (ЦГАОР Ўз. Ф.ЗУоп1, 91209, л.98). 1924 йили Ўзбекистонда Ўрта Осиё Давлат Университетидан бошқа 7 та дорулмуаллимин мавжуд эди.

1927 йили январь ойида Самарқанд шаҳрида Олий педагогика институти очилди. 1933 йили шу институт базасида Самарқандда Ўзбекистон Давлат Университети ташкил этилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда 1928 йилда 19 та педагогика техникуми, битта олий педагогика ўқув юрти бор эди.

Иккинчи Жаҳон урушининг якунида, яъни 1944 йилда Ургенч ва Нукус шаҳарларида иккита янги педагогика институти, Марғилон ва Наманган шаҳарларида иккита ўқитувчилар институти ташкил этилди. Худди шу йили олий маълумотли ва тамомланмаган олий маълумотли ўқитувчилар сони эса 1940-1941 ўқув йилидаги 8795 кишидан 10147 кишигача қўпайди.

Хозирда республикада 10 та педагогика университети ва 3 та педагогика институтлари фаолият олиб бормоқда. Улар:

**I. Педагогика университетлари:**

1. Андижон давлат университети.
2. Бухоро давлат университети.
3. Гулистон давлат университети.
4. Наманган давлат университети.
5. Нукус давлат университети.
6. Самарқанд давлат университети.
7. Фарғона давлат университети.
8. Қарши давлат университети.
9. Урганч давлат университети
10. Термез давлат университети.

**II. Педагогика институтлари:**

1. А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти.

2. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти.
3. Мұқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти.

Республикадаги етакчи педагогика олий ўқув юрти саналган Низомий номидаги ТДПУ 1935 йилда ташкил топган.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Таълим методи нима?
2. Таълим воситаларига нималар киради?
3. Таълим методларининг таснифи нима?
4. Таълим жараёнида сухбат методини қўллашда нималарга эътибор каратиш зарур?
5. Оғзаки баён методларининг афзалликлари нималар кўринади?
6. Кўргазмали методлар туркумини нималар ташкил этади?
7. Амалий методлар моҳияти нимадан иборат?
8. Дидактик ўйинлар қандай мақсадда қўлланилади?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Маърифат - Мададкор”, 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш /Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар Ж.Фозилов, Р.Султонов., Х.Сайдов. – Тошкент: “Маърифат-Мададкор” 2000.
3. Педагогик маҳорат. Мавлонова Р., Абдураҳимова Д. Т.: Фан ва технологиялар. 2012-йил
4. Педагогика /Бакалавриат йўналиши учун дарслик. Проф. М.Х.Тоҳтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010.

5. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Т.: “Ўбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.
6. ПЕДАГОГИКА (нopedагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик). У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Д.И.Рўзиева, М.Ҳ.Усмонбоева– Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2013.
7. ПЕДАГОГИКА: 1000 та саволга 1000 та жавоб.Методик қўлланма -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012
8. Тарбиявий ишлар методикаси. Р. Мавлонова, Н.Рахмонқурова, Б.Нормуродова, К.Матназарова -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2014
9. Бошланғич таълим педагогикаси, инновсияси ва интергацияси. Ўқув қўлланма Р.А.Мавланова, Н.Х.Рахманқурова Т.Ғ.Ғулом, 2013 й
10. Интерфаол методлар:моҳияти ва қўлланилиши (Методик қўлланма) -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012

## **7-МАВЗУ. БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМГА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРЙ ЭТИЛИШИ**

### **Режа:**

1. “Таълимга инновация ёндошув” тушунчасининг мазмуни.
2. Педагогнинг инновацион фаолияти.

**Таянч тушунчалар:** инновация, инновацион таълим, инновацион фаолият, инновацион жараён, инновацион ёндашув.

Мустақиллик Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, таълим сифати ва самарадорлигини яхшилаш йўлида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш имконини берди. Узлуксиз таълим тизими босқичларининг пухта асосланганлиги, таълим муассасалари фаолияти мазмунининг давр талабларига мувофиқ такомиллаштирилганлиги, таълим олиш шароитларининг яхшиланганлиги, шунингдек, ўқув жараёнига илгор педагогик технологияларни жорий этиш имкониятининг юзага келганлиги ўз навбатида ўқитувчилар касбий маҳоратининг юқори даражада бўлишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да кўрсатиб ўтилганидек, таълимий ислоҳотларнинг юқори босқичида таълим муассасаларида ўқитиш ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга нисбатан технологик ёндашувни қарор топтириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, “ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчиларга эътиборни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жихатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор”. Мазкур жараёнда ўқитувчиларнинг педагогик технология асосларидан чукур хабардор бўлишлари, барча кўринишдаги педагогик фаолият жараёнини инновацион ғоялар асосида ташкил эта олишлари муҳим аҳамиятга эга. Улар мавжуд шароитда “таълим соҳасида илгор ахборот ва компьютер технологиялари, Интернет тизими,

ракамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган инновацион ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишлари лозим” Манбаларда “инновация” (инг. “инновацион” – янгилик, янгилик киритиш) тушунчаси “тизим ички тузилишини ўзгартириш” маъносини англатиши кўрсатилади. Моҳиятига кўра амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлган инновация муайян ижтимоий-маданий обьектга хос ички сифатларни яхшилаш, такомиллаштириш мақсадида субъектлар томонидан ташкил этилувчи фаолият тизими сифатида акс этади.

Жамият ҳаётининг тезкор тараққиёти, илм-фан, техника ва технология соҳаларида жадал суръатда рўй бераётган ўзгаришлар таълим жараёнини ташкил этишда даврий ўзгаришларни инобатга олиш, фан янгиликларини ўқув материаллари мазмунига сингдира олиш лозимлигини тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида ўқитувчилардан педагогик фаолиятни инновацион лойиҳалар асосида ташкил этиш орқали ўқувчиларда ўқув ҳамда ижтимоий фаолликни шакллантириш, уларнинг мустақил тафаккурга эга бўлишларига эришишни мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Педагогик ижодкорликнинг ўзига хос кўриниши саналувчи инновацион фаолиятни ташкил этишда ўзига хос қийинчиликлар кўзга ташланади. Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга ноанъанавий ёндашиш эҳтиёжи ҳамда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлишлари мавжуд қийинчиликларни самарали бартараф этишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан олганда бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион фаолият малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга

**“Инновацион таълим технологиялари” тушунчасининг мазмuni.** Замонавий таълим технологиялари орасида инновацион таълим технологиялари муҳим ўрин тутади. Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“инновацион”) янгилик киритиш деган маънони англатади.

Мазмунан эса тушунча негизида “инновация” тушунчаси **муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгатиришга қаратилган фаолиятни** ифодалайди.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам инновациялар негизида ўқитиши жараёнига нисбатан янгича ёндашувларнинг моҳияти ёритилади. Хўш, инновацияларнинг ўзи қандай кўринишларда намоён бўлади?

Инновациялар қуидаги кўринишларда намоён бўлади:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;
- ғайри оддий ташаббуслар;
- илғор иш услублари.

Шунга кўра, **таълим инновациялари** – бу маълум таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида кўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим тизимида кўлланиладиган инновациялар қуидаги гурӯхларга ажратилади:

1. Фаолият йўналишига кўра: педагогик жараёнда ёки таълим тизимини бошқаришда кўлланиладиган инновациялар.
2. Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра: радикал, модификацияланган ҳамда комбинацияланган инновациялар.
3. Ўзгаришларнинг кўламига кўра: тармоқ (локаль), модул ва тизим инновациялари.
4. Келиб чиқиш манбаига кўра: жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар.

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашдан

Инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади. **Инновацион жараён** инновацион ўзгаришларга тайёгарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёнидир.

**Таълим тизимида инновационлар қуидаги ўзгаришларга олиб келади (И.П.Подласий):**

- педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши;
- педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;;
- ўқувчи фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;.
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши.
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши.

**Педагогнинг инновацион фаолияти.** Таълим жараёнидаги ҳар қандай инновацион ўзгаришлар, таълим тизимиға янгиликларнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши. Педагогнинг бу борадаги фаолияти “инновацион фаолият” деб юритилади.

**Инновацион фаолият** – бу янги ижтимоий талабларнинг билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият. Бу каби фаолият узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Инновацион фаолиятнинг асосий белгилари қуидагилардир:

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллай олиш;
- ҳамкаслар билан ҳамкорлик;

- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.

Инновацион фаолият – педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойихалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади.

В.Сластениннинг фикрига кўра инновацион (ижодий) ёндашув:

- ижодий фаоллик;
- фаолиятга янгилик (ўзгартириш) киритишга технологик ва методологик жиҳатдан тайёргарлик;
- янгича фикрлаш;
- юксак муомала маданиятига эга бўлишни ифодалайди.

Таълим тизимидағи инновацияларни педагогик жараёнга татбиқ этиш тўрт босқичда амалга оширилади:

1. Муаммони тахлил асосида аниқлаш.
2. Мўлжалланаётган таълим тизимини лойихалаш.
3. Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш.
4. Ўзгаришларни амалга ошириш.

Инновацион фаолият – илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажрибасинов ишлари олиб бориш ёки фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратишдан иборат.

Инновацион фаолият янги ғояни излашдан бошланади. Педагогик инновация таълим-тарбия жараёнидаги муҳим ва мураккаб масала ечимига йўналитирилганлиги сабабли ўқитувчидан янгича ёндашувни талаб қиласи.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлашда бир қатор психологик тўсиқлар мавжуд. Буларнинг биринчиси ўқитувчининг ўзи кўниккан фаолият

чегарасидан ташқарига чиқиши жуда қийинлиги, яъни ўқитувчиларда ижодкорликнинг етарли эмаслиги бўлса, яна бир сабаб янги ва номаълум нарсалар ҳар доим одамларда чўчиш ва хавфсирашни келтириб чиқаришидир.

Инновацион фаолият ўқитувчининг ҳамма муваффақиятини белгиловчи асосий фаолият бўлиб, у шахснинг касбий, методик маҳоратини сифатли қайта куриш демакдир.

**Педагогда таълим жараёнига инновацион ёндашувни қарор топтириш босқичлари.** Ўқитиш жараёни ёки таълим тизимига инновацион ёндашувни қарор топтириш ўз-ўзидан рўй бермайди. Бу жараён бир неча босқичда кечади. Улар қуидагилардир:

1-босқич: тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилади;

2-босқич: мавжуд тизимга айрим янги ғоялар, методлар киритилади.

3-босқи: янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методлари ишлаб чиқилади.

4-босқич: педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ёки методикасини ишлаб чиқади.

Педагогларнинг инновацион фаолияти қуидагилар билан белгиланади:

- янгиликни қўллашга тайёргарлиги;
- педагогик янгиликларни қабул қилиши;
- новаторлик даражаси;
- коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги;
- ижодкорлиги.

Шу билан бирга педагогнинг инновацион фаолиятини унинг мотивацияси, малакавий тайёргарлиги, педагогик тажриба-синов ишларини амалга оширишга оид билим ва малакалари, педагогик фаолиятдаги муаммо (тўсик)ларни бартараф эта олиш маҳорати билан ҳам белгиланади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг асосий белгиларидан бири унинг ижодий фаоллиги, ижодкорлиги ҳисобланади. Ўқитувчидан янгиликларни

ўзлаштириб бориш билан бирга уларни ўз фаолиятида қўллаши ва педагогик жамоа ўртасида тарғиб қилиши талаб этилади.

Педагогларда инновацион фаолият кўникмаларини шакллантиришда жамоадаги психологик мухит, жамоа аъзоларининг жаҳон таълим янгиликлардан хабардорликлари муҳим аҳамиятга эга.

Педагогнинг таълим жараёнига инновацион ёндашувининг натижалари қуидагиларда кўринади:

- фаолият мақсадини аниқ белгилаб олишида;
- ностандарт вазиятларда тезкор қарорлар қабул қилишида;
- ўқув ёки илмий-тадқиқот жараёни билан боғлиқ масалаларни самарали ечиш усулларини эгаллай олганлигига;
- муаммоларни ҳал этишда энг самарали восита ва методларни танлай билишида;
- ўз устида мустақил ишлашни режалаштира олишида;
- фаолияти натижасини назорат ва таҳлил қила олишида;
- замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш малакасининг мавжудлигига;
- янги ғояларни излаб топа олишида.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Таълим соҳасидаги Давлат сиёсатининг асосий тамойиллари моҳиятини изоҳлаб беринг.
2. Таълим тизими деб нимага айтилади?
3. Узлуксиз таълим тизими босқичларини санаб беринг.
4. Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг вазифалари нималардан иборат?
5. Олий таълим босқичлари, уларнинг моҳиятини ёритиб беринг.
6. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим тизими Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидан фарқ қиласими? Фарқли жиҳатларни кўрсатинг.
7. Таълим муассасасининг педагогик фаолиятини бошқаришга таъриф бериш?

8. Менежмент, таълим муассасаси менежменти деганда нимани тушунасиз?

9. Таълим соҳасини бошқариш қайси субъектлар томонидан амалга оширилади? Уларнинг ваколатларига нималар киради?

10. Таълим муассасасида жамоатчилик бошқаруви қандай амалга оширилади?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Маърифат - Мададкор”, 2000.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш /Нашр учун масъул: Ж.Ф.Йўлдошев. Тузувчилар Ж.Фозилов, Р.Султонов., Ҳ.Сайдов. – Тошкент: “Маърифат-Мададкор” 2000.

3. Педагогик маҳорат. Мавлонова Р., Абдураҳимова Д. Т.: Фан ва технологиялар. 2012-йил

4. Педагогика /Бакалавриат йўналиши учун дарслик. Проф. М.Х. Тоҳтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010.

5. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н. Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.

6. ПЕДАГОГИКА (нopedагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик). У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Д.И.Рўзиева, М.Ҳ.Усмонбоева – Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2013.

7. ПЕДАГОГИКА: 1000 та саволга 1000 та жавоб. Методик қўлланма -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2012

8. Тарбиявий ишлар методикаси. Р. Мавлонова, Н.Рахмонкулова, Б.Нормуродова, К.Матназарова -Т.: “ТДПУ нашриёти”, 2014

